O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2003 йил 21 февраль, №43-44 (3155-3156) Жума

## Кўкламги экишга тайёргарлик

**Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туманининг Йўлдош Охунбобоев номидаги ширкат хўжалигида бўлиб ўтган йиғилишда вилоятда кўкламги экиш мавсумига тайёргарликнинг боришига оид масалалар муҳокама этилди. Унда туман ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари, ширкат хўжалиги раислари, МТП мутасаддилари ҳамда тегишли ташкилот вакиллари иштирок этди.**

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Табиат инжиқликларига қарамай, ўтган йили мамлакатимизда беш ярим миллион тоннага яқин дон етиштирилди. Чорвачилик соҳасида ҳам сезиларли ютуқларга эришилди. Хусусан, соҳанинг рентабеллик даражаси 18-20 фоизни ташкил этди. Натижада бозорларимизда гўшт ва сут маҳсулотлари кўпайди. Президентимиз Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида ҳам қишлоқ хўжалиги тизимини янгилаш ва ривожлантириш борасида танланган ислоҳотлар стратегияси ўз самарасини бераётганини таъкидлади. Айни пайтда маърузада соҳадаги мавжуд камчилик ва муаммолар кўрсатиб ўтилиб, уларни ҳал этишнинг йўллари белгилаб берилди.

Ўтган йили республика бўйича 320 минг гектар ерга плёнка остига чигит қадалган бўлса, шунинг 24 минг гектари Тошкент вилоятига тегишли. Аммо агротехника талабларига риоя қилинмай қадалган чигитни бегона ўт босиб кетди. Пахтакорлар бу усулда экилган пахтадан яхши ҳосил ололмади. Оқибатда йиллик шартнома-режа бажарилмади.

Шу пайтга қадар вилоят бўйича 119 минг гектар ер шудгорланиши лозим эди. Лекин бу режа тўлиқ бажарилмаган. Ўтказилган текширувлар шуни кўрсатдики, вилоят бўйича беш минг гектарга яқин майдон чала ярим ҳайдалган.

Йиғилишда бу йил чигитни кечи билан 20 апрелгача экиб тугатиш, барча техника мосламаларини тўлиқ таъмирдан чиқариш, экилган ғалла майдонларини қисқа вақт ичида тозалаб, озиқлантириш ва суғориш ишларини якунлаш борасида тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Йиғилишда Тошкент вилояти ҳокими У.Мирзақулов иштирок этди.

**Л. СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ҲИССАДОРЛАР – ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Душанба куни кечқурун телевидение орқали муҳтарам Президентимизнинг чиқишини катта қизиқиш билан кузатдим. Юртбошимизнинг куйиб-пишганича бор. Баъзи корхоналарда мулк шакли ўзгарган бўлса-да, ишда ўнгланиш сезилмаётганлиги, акциядорлар дивиденддан бебаҳра қолаётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Халқимизда «Бозорга бор, бахтингдан кўр» деган ибора бор. Унинг замирида чуқур маъно мужассам. Ишнинг кўзини билган тадбиркоргина тараққиётга юз тутади. Уқувсизлар, ҳисобидан адашганлар эса қарзга ботиб, охир-оқибатда банкрот бўлиши турган гап.

Айрим корхоналар эса акциядорлик жамиятларига айлантирилгач, ўзибўларчилик, ташмачилик, боқибеғамлик каби иллатлар батамом барҳам топди. Акциядорлар бу корхона ўз мулки ҳисобига ишлашини ҳис этиб, унинг истиқболи учун қайғуришмоқда. Қарабсизки, ривожланиш сезиларли даражада бўлаяпти.

Бизнинг корхонамиз 1995 йилда очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган эди. Ўшанда унинг Низом жамғармаси 984,3 минг сўм этиб белгиланиб, акциялар тўрт пакетга жамланганди. Унинг 26 фоизи жамоа улушига, 25 фоизи вилоят «Матлуботсавдо» ҳиссадорлик жамиятига, 25 фоизи чет эл сармоядорларига ажратилди, 24 фоизи эркин савдога чиқарилди. Тўғри, аввалига ишчиларимиз акциянинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунмай, сотиб олишга иккиланган пайтлари ҳам бўлди. Бироқ қўли дивиденд кўргач, ишлар юришиб кетди. Кейинги 2 йил ичида ишлаб чиқариш суръати 200 фоизга ўсгани, соф фойда 3 бараварга ошгани шундан далолат беради.

Дастлабки йилларда фойданинг бир қисми янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, корхонани кенгайтиришга сарфланган бўлса, кейинги даврда акциядорлар тўлиғича ўз улушларини олишаяпти. Чунки тартиб-қоидага ҳамма бирдай бўйсунади. «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун талабларини ўзимиз назорат қилиб борамиз.

Айниқса, жамоамиз аҳли «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармонини мамнуният билан кутиб олди. Хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятининг оширилишидан ўзимиз ҳам, жамият ҳам манфаатдор-да. Демак, ҳиссадорлар жамият таянчидир. Бу таянчни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш пировардида ислоҳотларни чуқурлаштириб, кутилган самара бериши шубҳасиз.

**Аҳрор ҒАФФОРОВ,**
**«Қизилтепа нон комбинати» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ишчиси.**



## Орзулари бир олам

*— Мен улғайиб коинотни забт этаман!*
*— Мен ойга учаман!*

*Болаларнинг ўзлари сингари беғубор, самимиятга йўғрилган эзгу-тилакларини эшитиб, кўнглинг тоғдай юксалади. Болалар дилида туғилган орзу йиллар давомида қатъийлашиб, ҳақиқатга айланса ажабмас.*

*Қарши шаҳридаги вилоят болалар ва ўсмирлар ижодкорлик марказида фаолият юритаётган ўттиздан зиёд тўгаракларга қатнаётган ўғил-қизлар билан суҳбатлашсангиз орзулари бир олам. Мазкур марказ ўқувчиларнинг севимли даргоҳи ҳисобланади. Айниқса, марказнинг "Ёш авиасозлар" тўгараги ҳамиша болалар билан гавжум бўлади. Моҳир педагог Бобомурод Қодиров болалардаги қобилиятни, ижодкорликни ғоят қадрлайди.*

СУРАТДА: ***ёш авиасозлар Дилшод ва Жамол Ярашевлар.***

**Ш.ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.**

## Самарқанд шойиси Бельгияда

*Бельгиянинг Льеж университетида "Ўзбекистон — Буюк Ипак йўли вориси" мавзуидаги суратлар ва халқ амалий санъати кўргазмаси очилди. Ўзбекистон ва Бельгия университетлари ўртасида ҳамкорлик муносабатларининг ўрнатилиши доирасида ўтказилаётган ушбу кўргазмада Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари тарихий ёдгорликлари ҳамда юртимиз бой халқ ҳунармандчилиги намуналари билан таништирувчи экспонатлар намойиш қилинмоқда.*

Бельгиянинг иккинчи йирик шаҳри бўлмиш Льеждa илк бора ўтказилаётган ушбу кўргазма Ўзбекистоннинг Брюсселдаги элчихонаси, Льеж университети бадиий тўпламлари дирекцияси ҳамда мазкур университетнинг Европа жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган.

Кўргазма иштирокчилари бельгиялик машҳур олим, Авесто китобининг энг йирик тадқиқотчиларидан бири Жак Дюшен-Гийеменнинг дин ва жаҳон маданияти тарихидан ўзига хос жой олган зардуштийлик дини ва унинг ватани бўлмиш Хоразм, Турон ва Суғдиёна тўғрисидаги маърузасини мароқ билан тинглашди.

Ватанимиз тарихи ҳамда сайёҳлик имкониятларига бағишланган видеолавҳанинг намойиш этилиши ушбу маърузанинг мантиқий давоми бўлди.

— Ушбу кунда Ўзбекистон дўстлари сафига бир неча юзлаб бельгияликлар қўшилгани шубҳасиздир. Ватанингизнинг ажойиб ва ўзига хос маданияти, тарихи билан танишиш мўъжизакор Ўзбекистон ҳақидаги тасаввуримизни бойитди, — деди Льеж университетининг Европа жамғармаси Бош котиби, университет халқаро алоқалар бўлими бошлиғи Анна-Мари Андрэ. — Бу эса университетимизнинг мамлакатингиз олий ўқув юртларидан бири билан ҳамкорлик режасини ишлаб чиқиш жараёнини енгиллаштиради.

Университет бадиий тўпламлари директори Жан-Патрик Дюшен ушбу тадбир ҳақида гапирар экан, шу кунларда шаҳарнинг бош кафедрал ибодатхонаси биносида ўтказилаётган тўқимачилик маҳсулотлари кўргазмасида Льеж архиепископининг Х асрдаги либоси намойиш этилаётгани, энг қизиқарлиси, ушбу либос Самарқанд шойисидан тикилганини айтиб ўтди.

— Аслида "Ўзбекистон — Буюк Ипак йўли вориси" кўргазмасининг тарихи Х асрдан бошланади, — дея сўзида давом этди жаноб Дюшен. — Ушбу кўргазмани томоша қилар эканман, Буюк Ипак йўли ўтган давр мобайнида ўз аҳамиятини йўқотмагани, аксинча, яна қайта жонланаётганига амин бўлдим.

**Ж. ДЕҲҚОНОВ,**
**"Жаҳон"АА, Брюссель.**

## Истеъдод ёғдуси

**Тошкентдаги "UZBEK — АРТ" галереясида мусаввир Шаҳноза Абдуллаеванинг шахсий кўргазмаси очилди. Кўргазма Словакиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан ташкил этилди.**

**— 2003 йилни Ўзбекистонда Словакия йили деб аташ мумкин, — деди кўргазма очилишида сўзга чиққан Словакиянинг мамлакатимиздаги муваққат ишончли вакили Петер Юза. — Негаки, Ш. Абдуллаева шахсий кўргазмасининг ташкил этилиши элчихонанинг жорий йилда ўтказилиши режалаштирилаётган тадбирларининг дебочаси ҳисобланади.**

**"Туркистон-пресс".**

## ДУНЁ ПОЛВОНЛАРИ ЯНА ТОШКЕНТГА КЕЛАДИ

**Шу йилнинг 2-4 март кунлари "Ўзбекистон" спорт мажмуида эркин ва юнон-рум кураши бўйича Гран-при туркумига кирувчи "Мустақиллик кубоги" анъанавий халқаро турнири ўтказилади.**

Олтинчи маротаба ўтказилаётган ушбу мусобақада АҚШ, Россия, Жанубий Корея, Германия, Япония, Қатар, Австрия каби ўн етти мамлакатдан келган икки юзга яқин спортчи гиламга чиқади.

Таъкидлаш лозимки, ўзбекистонлик спортчилар учун мамлакатимизда ва хорижда ўтказилаётган мусобақалар жаҳон ва қитъа биринчилигига тайёргарлик вазифасини ўтайди. Вакилларимиздан келаси йили Афинада бўладиган Олимпиадада иштирок этиш учун имкон қадар кўпроқ йўлланмаларни қўлга киритиш талаб этилади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

## ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Олий Мажлисда Ўзбекистон қонунчилигида Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим моддаларининг амалиётига бағишланган халқаро анжуман бўлди.

Тадбир Олий Мажлис ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ҳамда Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим котибияти томонидан ташкиллаштирилди.

1996 йили Италиянинг Флоренция шаҳрида Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланган эди. Ушбу улкан ҳужжат иттифоққа аъзо барча мамлакатларнинг парламентлари томонидан ратификация қилинган ва бир неча йилдан буён Ўзбекистон билан Европанинг энг ривожланган ўн беш мамлакати ўртасидаги кенг қамровли ҳамкорлик учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиб келяпти. Хусусан, алоқалар қонунчилик тизимларини ўрганиш, иқтисодиётда маъмурий ислоҳотлар ўтказиш, молия бозорини ривожлантириш, савдо ва сармоялаш каби соҳаларни ўз ичига олган.

Тадбирда ўзбекистонлик ва европалик мутахассисларнинг корпоратив ҳуқуқ, солиқ ва божхона соҳасига оид ҳуқуқлар, хорижий сармояга доир қонунчилик ҳамда рақобатга оид мавзулардаги маърузалари тингланди.

**(ЎзА).**




## Алло, Сизни Давлат мулки қўмитаси раиси эшитади!

### *Ҳурматли газетхонлар!*

- *Хусусийлаштирилган корхоналарга кўпроқ иқтисодий эркинлик бериш учун нималар талаб қилинади?*
- *Акциядорлик жамиятларига айлантирилган корхоналарда бошқарув ишида акция эгасининг ўрни қандай бўлиши керак?*
- *Хусусийлаштириш ва мулкни давлат тасарруфидан чиқаришга оид қонунлар ҳамма жойда изчил татбиқ этиляптими? Агар қонун бузилиш ҳоллари бўлса, бу ҳақда хабар қилинг.*

Хуллас, шу ва шу каби саволларга аниқлик киритмоқчи бўлсангиз

**шу йил 25 февраль куни соат 10.00 дан12.00 гача**

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси **Маҳмуджон АСҚАРОВ** билан

**139-21-01 ва 139-21-02 телефонлари орқали тўғридан-тўғри гаплашиш имконига эга бўласиз.**

**Агар саволларни олдиндан бермоқчи бўлсангиз, (8-371) 132-10-65, 133-57-98, 133-48-04 телефонлари ёки (8-371) 136-37-85 факси орқали мурожаат этишингиз мумкин.**

**Интернатдаги манзилимиз:** E-mail: **xalksuzi@uzpak.uz.**

## Маошингизни вақтида оляпсизми?

### Косонсой туманидаги «Марат» фирмаси ишчилари бу саволга қатъий равишда «йўқ», деб жавоб қайтаришди

Улар биздан амалий кўмак сўрашди. Ўргандик. Дарҳақиқат, жамоа ишчиларининг қонуний манфаатлари бузилаётган экан. Раҳбарларни тартибга чақирдик. Ойлаб маошини ололмаётган Мирзо Тошбоевнинг 25 минг, Зокиржон Каримовнинг 45 минг, бундан ташқари яна 10 кишининг 56967 сўм ҳақини ундириб бердик.

Юқоридаги аризани текширганимизда фирма мутасаддиларининг ҳаловати йўқолди. Чунки, улар иш ҳақини вақтида тўламаслик жавобгарликка тортиш учун етарли асос бўлишини билишарди-да.

Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш учун, албатта, прокуратуранинг аралашуви шартмиди? Ахир, меҳнатга яраша ўз вақтида ҳақ тўлаш иш берувчи ва ишчи ўртасидаги шартноманинг асосий бандларидан бириқу. Бироқ, аксарият иш берувчилар масаланинг ана шу жиҳатини унутадилар. Натижада жамоада норозилик пайдо бўлади, меҳнат маромига путур етади. «Уй меҳнати» акциядорлик жамиятида ҳам шундай ҳолатлар кузатиляпти. Ўтган йили корхонадаги 30 нафар ҳунарманднинг 154,9 минг сўм иш ҳақини прокуратура аралашиб, олиб берганди. Мутасаддилар бундан етарли хулоса чиқаришмаган экан. Яна қонун бузилишига йўл қўйдилар. Энди беш нафар ишчининг кечиктирилган 45,5 минг сўм маоши мажбурий ундирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона ҳамда ташкилотларда маошлар ўз вақтида тўлиқ тўланиши ва хўжалик юритувчи субъектларнинг жавобгарлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Бу муҳим ҳужжатга ҳар бир раҳбар амал қилиши шарт. Мана шу оддий талаб кўпинча хусусий корхоналарда унутиб қўйилмоқда. Мисол «Нигоҳ» кўп тармоқли кичик корхонаси раҳбарлари 11 нафар ишчининг 834240 сўм иш ҳақини вақтида бермай, ойлаб чўзиб юришган. Бу ерда аҳвол шу даражага бориб етганки, марҳум Юсуф Боймирзаевнинг ўз вақтида ололмаган маошини беришда ҳам сансалорлик қилишган. Табиийки, жамоа аъзоларининг иш ҳақлари тўла-тўкис ундирилиб, айбдор шахсларга қонуний чора кўрилди.

Мана шундай салбий ҳолат туманда ижтимоий тўловларни амалга оширишда ҳам кузатилмоқда. Ҳукуматимиз кам даромадли оилаларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида уларга нафақа белгилаган. Лекин айрим шахслар бундан ҳам ўз манфаатлари йўлида фойдаланишни кўзлашаётгани ачинарли ҳолдир. Халқ банки Косонсой бўлимининг 46-шохобчаси касса назоратчиси Юсуфжон Шарипов ўтган йилнинг сентябрь ойи учун 221 нафар нафақахўрнинг 1 миллион 506472 сўм нафақасини касса режасига қўшиб юборган. Бу кимса, аввало, ўз лавозимини, сўнг эса фуқаролар ишончини суиистеъмол қилиб, уларга пул бермасдан олдин имзо қўйдирган ва 2 миллион 676738 сўм нафақа пулларини бермасдан бошқа мақсадларда фойдаланиб келган. Унинг қилмишлари тегишли баҳосини олди ва фуқароларга етказилган зарар тўла ундирилди.

Юртбошимиз қайта-қайта таъкидлаганларидек, халқимиз ҳамма нарсага чидаши мумкин, бироқ ижтимоий адолат бузилишига бефарқ қараб туролмайди. Бу гапга амал қилиш ҳар бир раҳбар учун ҳам қарз, ҳам фарз. Аксинча уларнинг халқ олдида юзи шувут, қонун олдида жавобгар бўлиши тайин.

**Рустамжон УММАТАЛИЕВ,**
**туман прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси.**

**ОЛИБ СОТИШ ЭМАС, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МУҲИМ**

Хориж давлатларида, шунингдек, кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи бир йил давомида ўзининг молиявий ҳолати бўйича ижобий хулоса олмагунча банклардан кредит ололмайди. 3-бет

**ҒАФУР ҒУЛОМНИНГ КУЛГИСИ**

Бундай одамлар юз йилда бир бино бўлиб, бутун элу юртнинг фахрига айланади. 4-бет

**«ОҚ АЖАЛ»НИ ОҚ СУТ ЕНГАДИ**

«Ҳаммасидан хабар топган отам мени қишлоққа олиб келгач, ҳақиқий қашандага айланиб қолганимни ҳис қилдим». 6-бет

**КОИНОТ — ПОРТЛАШ ҲОСИЛАСИ**

Америкалик астронавтлар коинотнинг қачон пайдо бўлганини аниқлашга муваффақ бўлишди. Тадқиқотларга қараганда, коинот бундан 13,4 миллиард йил илгари «катта портлаш» оқибатида вужудга келган экан. 7-бет

**ЮРАК ТУБИДА ҚОЛАДИГАН ТИЛЛА ЗАРРАЛАР**

учун ижодкор бир умр тоғу тошда маъдан қидирган киши каби умр кечиради. 8-бет

# ИЗЛАНИШ, ТАЛАБЧАНЛИК, ФИДОЙИЛИК

## бугунги куннинг асосий шиоридир

*Бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектларнинг маҳсулот олди-сотдисию, сервис хизмати кўрсатишида шартнома нечоғли аҳамиятга эга эканлигини кўпчилик яхши билади. Бироқ аксарият ҳолларда уни тузиш тартибига унчалик амал қилавермаймиз ва кейинги фаолиятда муаммо келтириб чиқаришини хаёлга ҳам келтириб ўтирмаймиз. Аслида демократик тамойилларга асосланган жамиятда бу ҳаёт мезонини белгилаб туради, десак муболаға бўлмайди. Шу маънода, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил якунларига бағишланган мажлисида Президент Ислом Каримов «Бугунги кунда шартнома интизомининг пастлиги, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш борасида ҳамон энг заиф бўғин бўлиб қолмоқда. Чунки шартномаларнинг кўпчилигида на ижро муддати, на ўз вақтида бажарилмагани учун жарима чоралари аниқ белгилаб қўйилмаган» дея алоҳида таъкидлаб ўтгани бежиз эмас.*

## Ҳақини таниган ютқазмайди

Дарҳақиқат, ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ҳамда бошқа тегишли норматив ҳужжатлар талабларидан келиб чиққан ҳолда тарафлар (улар ким бўлишидан қатъи назар) шартнома тузишда эркин эканликларига, шунингдек, ҳар қандай ҳолатда шартномани тузишда қатнашаётган иккинчи тараф шартномани ўзи учун қулай бўлган талабларда имзолашга ҳаракат қилишга эътибор қаратса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Қонун ҳужжатлари талабларига кўра, хўжалик шартномасида шартнома предмети, етказиб бериладиган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) миқдори, сифати, ассортименти ва баҳоси, шартноманинг бажарилиши муддатлари, ҳисоб-китоб қилиш тартиби, тарафларнинг мажбуриятлари, шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганида тарафларнинг жавобгарлиги, низоларни ҳал этиш тартиби ҳамда тарафларнинг реквизитлари, шартнома тузилган сана ва жой, шунингдек, бундай турдаги шартномалар учун қонун ҳужжатларида белгиланган ёки тарафлардан бирининг аризасига кўра, ўзаро келишувга эришиш лозим бўлган бошқа муҳим шартлар назарда тутилиши керак.

Ҳаётнинг кўрсатишича, томонлар ўртасида низолар келиб чиққан пайтларда бундай юридик жиҳатдан номукаммаллик уни суд орқали ҳал қилишда муаммо туғдираётир. Масалан, Наманган вилоятининг Поп туманидаги «Тулпор» фермер хўжалиги билан туман бош пиллахонаси ўртасида 2002 йил 12 январь куни тузилган контрактация шартномасига асосан, фермер хўжалиги 2002 йил 17 май куни 3 минг килограмм пилла хомашёси етказиб берган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 августдаги 438-сонли қарори билан тасдиқланган Низом талабларига кўра, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қабул қилиб олинганидан кейин 3-5 кун ичида ҳисоб-китоб қилиниши лозим. Лекин мазкур шартномада ҳисоб-китоб қилиш муддатлари юқоридаги Низом талабларига зид равишда 90 кун деб кўрсатилган. Бундан ташқари, пиллахона охирги ҳисоб-китобни кўрсатилган муддатда ҳам амалга оширмаган.

Фермернинг даъво аризасига асосан, вилоят адлия бошқармаси тақдимнома киритиб, фермер хўжалигига бир миллион 421 минг 347 сўм асосий қарз ва юз минг сўм пеня ундириб берилди. Суд кечиктирилган пуллар учун пеня ҳисоблашда 90 кунлик муддатни чиқариб ташлаган. Ачинарлиси, «Ўзбек ипаги» давлат уюшмаси тизимига кирувчи корхоналар билан хўжаликлар ўртасида пилла етказиб бериш тўғрисида тузиладиган Намунавий шартнома лойиҳасида охирги ҳисоб-китоб муддати 90 кун қилиб белгиланган.

Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертиза учун тақдим этилган мазкур шартнома лойиҳасидан ҳисоб-китобнинг 90 кунда қилиниши лозимлиги тўғрисидаги қоидалар чиқариб ташланиб, амалдаги қонун ҳужжатларига мослаштирилди.

Шартномаларнинг яна бир муҳим жиҳати шуки, у юридик шахснинг тенг ҳуқуқий фаолият юритишини таъминлайди.

– Ҳозирги пайтда фермерлар билан тузилаётган шартномаларда қонун бузилиши ҳолатлари кўпроқ учраб турибди, – дейди Адлия вазирлигининг шартнома мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш бошқармаси катта маслаҳатчиси Руслан Муҳаммадиев. – Масалан, Қарши тумани Машина-трактор парки томонидан ғаллани ўриш учун шартнома тузишда турлича нарх белгиланган. «Кейс» комбайнида 5 май куни «Момогул» фермер хўжалиги билан бир гектар ғаллани ўриб беришга 31 минг 559 сўм, «Манғит» фермер хўжалиги билан эса 30 минг 827 сўм нарх қўйилган. Бундан ташқари, Музрабод туманидаги «Хушвақтов» фермер хўжалиги 2001 йилда МТП ҳисоб рақамига етарли миқдорда пул ўтказиб берган бўлса-да, унда кўзда тутилган хизмат кўрсатилмаган. Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси судга юқоридаги фермер хўжалиги манфаатини кўзлаган даъво аризаси билан чиқиб, оқибатда даъвогарга 2002 йил 15 октябрда 46 минг 256 сўм ундириб берилишига эришган.

Шулардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида тузилаётган шартномаларнинг мукаммаллиги нафақат унинг ижросида, балки томонларнинг келгусидаги фаолиятида ҳам муҳим ўрин тутади. Демак, тузилаётган шартномаларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиб, сўнгра томонлар ўзаро келишган ҳолда имзолашлари айни муддаодир.

**Худойберди ЭШМАНОВ,**
**журналист.**




Ўзининг хурмою олмаси, узуми ва майизи билан машҳур деновликлар қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида юқори ҳосил олиш ниятида астойдил меҳнат қилишмоқда. Айни дамда туманда баҳорги экиш ишларига пухта ҳозирлик кўрилаётир.

Туманда мавжуд бўлган 215 та чопиқ, 76 та пушта олиш техникалари, 192 та чигит экиш сеялкалари, минглаб бороналар тўлиқ таъмирдан чиқарилиб мавсумга тахт қилиб қўйилди.

Тумандаги машина трактор парки ҳиссадорлик жамиятида ҳам иш қизғин. Улар плёнка остига чигит экишга мўлжалланган 58 та сеялкани тайёрлаб қўйдилар. Энг асосийси, бу жамиятда туман ер шароитига мослаштирилган янги техникалар, эҳтиёт қисмлар ясаш йўлга қўйилган. Жамиятдаги учта цехда 100 турдан ортиқ эҳтиёт қисмлар ясалмоқда. Бу эса зарур эҳтиёт қисмларни четдан келтиришга чек қўйди.

**СУРАТДА:** ***муҳандис Абдулло Маматқулов ёш ишчи Ортиқ Гулов билан.***

**Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА)**
**олган сурат.**

## АМЕРИКАДА ЎҚИГАН ФЕРМЕР

Ёқуб Фаттоев фермерликни бундан ўн бир йил илгари бошлаган эди. Ўзи яшаётган Йўлдош Эргашев номидаги жамоа хўжалигидан икки гектар ер олди. Ўшанда атиги тўрт бош қорамоли бор эди.

Бугунги кунга келиб Ёқуб акага қарашли фермер хўжалиги Бухоро вилоятидаги энг бақувват хўжаликлардан саналади. Унинг яйловда 792 гектар ери бор. Қорамоли 176 бош, қўй-эчкиси эса 200 дан ортиқ. Битта МТЗ, иккита Т-28 трактори бор. Бир кеча-кундузда олти тонна сутни қайта ишлайдиган цех ҳам очган.

— Буларга ҳалол меҳнатим билан эришдим, - дейди Ё.Фаттоев.

— Дилимда бир орзуим бор эди: хориждаги фермерлар иши билан танишишни, тажриба алмашишни истардим.

Буни қарангки, Ёқуб ака бу орзусига ҳам етди. АҚШнинг энг нуфузли илм даргоҳларидан бири — Мэриленд университетида икки йил таҳсил олди. Шу штатдаги фермерлар билан яқиндан танишди, тажриба алмашди.

Ўтган йили "Фаттоев" фермер хўжалиги ҳар гектар ердан 93 центнердан дон олди, 320 тонна сут ишлаб чиқарди. Дон етиштиришдан, чорвачиликдан олинаётган даромади кўпайгандан кўпаймоқда. Ёқуб ака буларнинг барини мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида тадбиркорлик учун кенг йўллар очилганидан, океан орти фермерлари иш тажрибасини ўрганганидан билан изоҳлайди.

Хўш, хориж тажрибалари нималардан иборат? Барча хўжалик субъектларининг тузилган шартномаларга қатъи амал қилишини таъминлаш, ердан, техникадан унумли фойдаланиш, фақат синовдан ўтган сара уруғларни экиш, инсон омили — хўжаликда ишлаётганларни ўз вақтида рағбатлантириб туриш, хайр-саховатни ҳам унутмаслик.

Ёқуб ака хорижда кўрганларини ҳаётга татбиқ қилишдан эринмайди. Қайси ташкилоту корхона билан шартнома тузган бўлса, ижросини қаттиқ талаб қилади. Танлаб-танлаб буғдойнинг энг сарасини экади, унга ишлов бериш, суғоришда ҳам агротехника қоидаларига амал қилади. Даромадлари ҳисобидан хайр-саховатни ҳам унутмайди. Ўзи таълим олган билим даргоҳи — Пешку туманидаги 18-мактабнинг аълочи ўқувчиларидан 26 нафарига стипендия беряпти. Ўтган йили шу мактаб учун миллион сўмликдан зиёд ўқув жиҳозлари ҳам олиб берди.

**Илҳом САФАР,**
**ЎзА мухбири.**

Обод маҳалла – бизнинг маҳалла

## Барака — аҳилликда

Уни кўрган одам етти ярим минг аҳолиси бўлган бутун бир маҳаллани бошқариб келаётганини тасаввур қилиши қийин. Бироқ, жиндаккина суҳбатини олгач, ўзига яраша ташкилотчилик маҳоратига эга эканлигини сезадиқўяди. Кўпчилик қалбига йўл топа билганидан маҳалласини гулдай қилиб қўйди. Буни "Қарияларни қадрлаш йили" муносабати билан ўтказилган танловда унинг фаолияти муносиб баҳоланганлигидан ҳам билса бўлади. Йигирма етти ёшли тиниб-тинчимас мана шу йигит — Наманган шаҳридаги "Қизил кўприк" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Олимжон Тошпўлатов миллий қадриятлар ва Ўзбекистон Конституциясини тарғиб қилишда қатнашган энг фаол маҳалла оқсоқоли республика кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллади.

"Қизил кўприк" вилоят марказининг обод истиқоматгоҳларидан. Бироқ, унга ҳавас қилишларининг сабаби фақат шундагина эмас. Энг аввало, маҳалла аҳлининг ўзаро меҳр-оқибати баланд. Фаоллардан бири – 72 ёшли Аҳмаджон ота Отахонов айтиб қолди:

— Тунов куни беш-олти киши биргалашиб кекса муаллим Деҳқонбой Набижоновникига кирдик. Маҳалламизнинг яхши одати бор-да. Деҳқонбой сингари кўчага чиқолмай қолган, эшикка термулиб ўтирган беморларнинг кўнглига нур олиб киришдан ортиқ савоб борми, деймиз ёш-яланглрага. Мана, Нурмирза Тўйчиевнинг хонадонидан тез-тез хабар олиб турилганидан унинг икки ногирон қизи ва хотинининг юзларидан ташвиш ариди. Қўшнинг кўмакка зор бўлиб турсаю, сен бепарво юрсанг инсофдан бўладими? Кўпчилик кенгашиб, бу хонадонга тадбиркор Маҳмуджон Усмоновни бириктириб қўйдик.

Одамлар йиқилса, суянадиган тоғи – маҳалладошлари, оқибатли қўни-қўшнилари борлигидан кўнгиллари тўқ. Ночор хонадонларни қўллаб-қувватлаш одат тусига кирганидан бу. Аксинча, Баҳриддин Насриддинов сингари қўли қисқалигидан қисиниб юрган кишиларга осон бўлармиди? Гап шундаки, кейинги пайтларда Баҳриддин ака ўғли Анварни уйлантирмоқчи эди. Маҳалла кўмакка келди. Кўпчиликнинг мадади, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг ҳомийлиги билан Анваржоннинг никоҳ тўйи харажатлари тўла қопланди.

"Қизил кўприк"ликлар бир нарсага қўл уришдими, уни бажармагунча кўнгиллари тинчимайди. Ёшлар тарбиясига ҳам барча бирдай эътиборли. Умар Аҳмедов деган ўспирин жиноят қилиб қўйди. "Ўзимиз тарбиялаймиз", деди жамоатчилик. Тарбиялашди ҳам. Қандай қилиб дейсизми? Ёшу қари тўпланган катта йиғинга Умарни олиб келишди, ёнига тенгдоши Муҳаммаджонни ўтқазишди. Муҳаммаджон Жамиев ҳудуддаги 62- мактабнинг олди ўқувчиларидан. Физика бўйича республика олимпиадасида ғолиб чиқиб, Сингапургача борган. Одоб-ахлоқда намуна.

— Қани, икковинг тенглашчи, хўш, Умартой сени тенгдошингдан қаеринг кам? Етишмаётган нарсанг бўлса айт, кўплашиб олиб берайлик...

Озгина бўлса-да, орияти бор экан. Ана шу иззанинг ўзи етарли бўлди. Умар ўқишни битириши билан дурадгорга шогирд тушди. Бу воқеа унинг баъзи тенгқурларига сабоқ вазифасини ўтади. Энди маҳаллада "тарбияси қийин" болалар йўқ ҳисоби.

Маҳалла фуқаролар йиғини биносига кирдик. Ҳавас қиласиз. Мана "Конституцияни ўрганиш хонаси". Асосий Қонунимизни тарғиб қилувчи маълумотларга тўла. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари битилган плакатлар бисёр. Асосий Қонунимиз тарғиботи билан боғлиқ оммавий-сиёсий тадбирларнинг аксарияти шу ерда ўтказилар экан. Масалан, шу мавзуда ташкил этилган "Заковат" ўйинида 62-мактаб ўқувчилари ғолиб чиқишди. "Конституция — бахтимиз қомуси" мавзусидаги эркин иншолар кўригида ўқувчилар, уларнинг мураббийлари ижодий маҳоратларини синаб кўришди. Билимдонлар маҳалла фуқаролар йиғинининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Албатта, етти мингдан ортиқ фуқаро яшайдиган маҳалланинг кундалик ҳаёти бир текис кечмайди. Бу ерда ҳам ечимини кутиб турган муаммолар оз эмас. Сабаби, мингдан зиёд хонадоннинг бири бўлмаса, бошқасидан қандайдир масала чиқиб туради-да. Айниқса, ёшларни ишга жойлаштириш қийин кечяпти. Хайриятки, маҳалла тадбиркорлари бу борада озгина бўлса-да, юкни енгиллаштиришяпти. Масалан, Абдувоҳид Боймирзаев 35 нафар кишини атрофига тўплаб, чинни буюмлар ясашни йўлга қўйди. Баҳодир Абдуллаевнинг нотўқима матолар цехида 30 нафар йигит-қиз ишлаяпти. Бироқ, бу ҳали оз.

Обод маҳалла. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, бу ибора замирида теран маъно бор. Аввало, тинчлик-осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик, қут-барака бўлган, "Отанг-маҳалла, онанг – маҳалла" деган ҳикмат исботини топган жой ободонлашади. Мамлакатимиздаги энг ёш оқсоқоллардан бири Олимжон Тошпўлатов етакчилик қилаётган "Қизил кўприк"даги саъй-ҳаракатларнинг бари халқимизнинг азалий фазилатларини мустаҳкамлашга қаратилгани билан эътиборли.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

Акс-садо

# МАҚСАД ЭЗГУ БЎЛСА...


Маънавиятга қарши жиноят

***Газетамизнинг шу йилги 5 февраль сонида «Маънавиятга қарши жиноят» сарлавҳаси остида танқидий мақола эълон қилинган эди. Унда Тошкент шаҳридаги айрим газеталар бозорида халқимиз руҳиятига ёт нашрлар сотилаётганлиги, бу — кишилар, хусусан, ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатаётгани таъкидланганди. Шу муносабат билан Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар Давлат солиқ бошқармасидан олинган расмий жавобларни айнан ҳавола этяпмиз.***

Мақола Тошкент шаҳар ҳокимлигида кўриб чиқилди. Айтиш керакки, гарчанд унга бироз «дабдаба»ли сарлавҳа танланган бўлса-да, пойтахт ҳаётига ҳам дахлдор долзарб масала қаламга олинган.

Ҳақиқатан ҳам, шаҳарнинг турли жойларида, хусусан, «Шарқ» концерни газеталар таҳририятлари биноси олдида турли йўллар билан чет эллардан юртимизга олиб келинган нашрлар савдоси қарор топиб, яқин-яқингача ҳар ким ўзича шу иш билан шуғулланиб келган. Кейинги йилларда Тошкент шаҳар ҳокимлиги бу ишларни ҳамда норасмий уй-жой бозори фаолиятини қатъи тартибга солиш мақсадида бирмунча тадбирларни амалга оширди. Биринчи навбатда, ушбу бозор барча учун қулай жойга кўчирилди ва унинг иш фаолияти белгиланган тартиб асосида ташкил этилди. Нашр савдоси билан шуғулланувчи тадбиркорлар мазкур бозор таркибида иш юритиши, ҳафтада бир марта газета-журналлар улгуржи савдоси бўлиб ўтиши йўлга қўйилди. Бундан ташқари, пойтахтнинг аҳоли зич яшайдиган кўпгина жойларида китоб бозорлари доимий равишда ишлаб турибди.

Бу – масаланинг бир томони. Иккинчиси – турли хил китоб, газета ва журналларнинг четдан мамлакатимизга кириб келиши ва сотилиши ҳуқуқ-тартибот, солиқ идоралари, савдо департаменти, «Матбуот тарқатувчи» уюшмаси ҳамда Матбуот ва ахборот агентлиги билан бирга назорат қилинмоқда.

Бу борада қилинган ишларни янада кучайтириш лозим бўлган ўринлар, камчиликлар ҳам йўқ эмас, албатта. Лекин, шу билан бирга, миллий-ахлоқий қадриятларга зид бўлган турли хил бетайин нашрларнинг ноқонуний йўллар орқали пойтахтимизга кириб келишининг олдини олиш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилгани ўз самарасини берди. Бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда.

Мақола муаллифи ушбу муаммони бир томонлама эмас, чуқур ва атрофлича ўрганиб, унинг ечими билан боғлиқ аниқ таклифларни ўртага ташлаганида мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бусиз, мақола нечоғли ҳаяжон билан ёзилмасин, самараси кўнгилдагидек бўлмайди.

Қолаверса, биз ҳаммамиз ўз олдимизга ўсиб келаётган авлодни тарбиялаб камолга етказишдек улуғ мақсад қўйганмиз. Бу эзгу мақсад йўлида мамлакатимизда муҳим тарбиявий ишлар амалга оширилмоқда. Шу қутлуғ интилишимизга халақит берадиган, фарзандларимизнинг беғубор маънавий оламига шикаст етказадиган ҳар қандай иллатга қарши барчамиз бир ёқадан бош чиқариб астойдил курашишимиз ҳам қарз, ҳам фарздир. Бу курашда, юқорида тилга олинган мақолада қайд этилганидек, мавҳум «шарпа»ларни шубҳа остига олиш ва тахминий хулосалар чиқаришдан кўра, ютуқ ва камчиликларни холис таҳлил этиб, бугун ва яқин истиқболда амалга оширишимиз зарур бўлган вазифаларни ойдинлаштириб олиш йўлидан борсак, умумий ишимизга чинакам манфаат етади.

**Р. ҚУРБОНОВ,**
**Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари.**

**ТАҲРИРИЯТДАН:**

*Биз жавобга жавоб ёзиш ниятида эмасмиз. Айни пайтда юқорида айтилганидек, «дабдаба» ёки шов-шув тарафдори ҳам эмасмиз. Мақсад битта – келажагимиз бўлмиш ёш авлод онгига турли йўллар билан ўтказилаётган нотўғри маънавий таъсирларнинг олдини олишдир. Айни чоғда, мақола эълон қилингунга қадар шаҳар ҳокимияти газета чиқишида тилга олинган нохушликлардан бехабар бўлган ҳам дея олмаймиз.*

*«Мавҳум шарпалар»га келсак, уларни аниқлаш фақат газета ёки мухбирнинг эмас, балки тегишли идоралар билан ҳамкорликда амалга ошириладиган тадбир бўлса керак. Бас, шундай экан, ёш авлодни ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш барчамизнинг зиммамиздаги ўта масъулиятли вазифадир. Асосий масала ана шу масъулиятни ҳис эта олишда.*

"Халқ сўзи"нинг 2003 йилги 5 февраль сонида чоп этилган "Маънавиятга қарши жиноят" сарлавҳали мақолада ёритилган ҳолатлар Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси томонидан, мулкчилик шаклидан қатъи назар, шаҳар ҳудудидаги дўконларда, ярмаркаларда, бозорларда ва аҳоли гавжум жойларда ўтказилаётган тадбирларда ҳам аниқланмоқда. Шу жараёнда ноқонуний даромад олиш мақсадида турли йўллар билан божхона тўловларини тўламасдан аҳоли маънавиятига зид бўлган, халқимизнинг шарқона миллий қадриятларига ва жамиятимизда маънавий соғлом муҳит яратишга ҳамда ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатадиган газеталарни турли яширин йўллар билан шаҳар ҳудудига келтириб, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўламасдан ноқонуний даромад олаётган тадбиркорлар фаолиятига чек қўйилмоқда.

Навбатдаги тадбирда ҳам худди шундай ҳолатлар аниқланди. Жумладан, хусусий тадбиркор Н.Изатулина Миробод туманидаги Авлиё ота кўчасида, ҳеч қандай ҳужжати бўлмаган ҳолда, ноқонуний келтирилган турли матбаа нашрлари (порнография) билан фаолият юритаётганлиги аниқланиб, ундан ашёвий далил сифатида 16 дона 13,7 минг сўмлик газета олиб қўйилди.

Мирзо Улуғбек туманидаги "Буюк Ипак йўли" кўчасида жойлашган савдо расталарида ўтказилган тадбирда хусусий тадбиркор Л.И.Соколова ноқонуний равишда олиб келиб, божхона кўригидан ўтмаган ва ҳеч қандай ҳужжати бўлмаган 75 дона 65,6 минг сўмлик турли порнографик рўзнома ва ойномалар билан савдо қилаётгани аниқланиб, олиб қўйилди.

Ҳамза туманида ўтказилган текширишда "Авиасозлар бозори"да тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун тегишли ҳужжатлари бўлмаган фуқаро В.Краткин, Паркент бозори ҳудудида фаолият юритаётган хусусий тадбиркор Н.Б.Фитгатулина божхона кўригидан ўтмаган ва ҳеч қандай ҳужжати бўлмаган, Россия давлатида чоп этилган турли рўзномалар билан савдо қилаётганлиги маълум бўлди. Улардан далилий ашё сифатида жами 129 дона 60,1 минг сўмлик рўзномалар олиб қўйилди.

"Чилонзор" метро бекатида савдо фаолиятини амалга ошириш учун тегишли ҳужжатлари бўлмаган хусусий тадбиркор Шарофитдинов шаҳар ҳудудида сотилиши рухсат этилмаган турли рўзномалар билан савдо фаолиятини амалга ошираётгани фош этилиб, ундан 32 дона 41,8 минг сўмлик турли рўзномалар олиб қўйилди.

Ушбу йўналишда назорат ишлари давом эттирилмоқда ва ўтказилган текширишлар натижаси бўйича мунтазам маълумот бериб борилади.

**Б. ПАНАЕВ,**
**Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи.**

# Олиб сотиш эмас, ишлаб чиқариш муҳим

Мутахассис минбари

Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг устувор йўналишларига кучли бозор инфратузилмасини яратиш, барқарор ва ўзаро мутаносиб, мустаҳкам иқтисодиётнинг муҳим шарти бўлган эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этиш киради. Бу вазифаларни амалга ошириш, аввало, бозор муносабатларини чуқурлаштириш, рақобат муҳитини яратиш, хусусийлаштириш жараёнини такомиллаштириш ва иқтисодиётнинг хусусий секторини кенгайтириш, зарур таркибий ўзгаришларни киритган ҳолда иқтисодий барқарорликка эришиш орқали миллий иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувини таъминлашни тақозо этади.

Статистика шуни кўрсатадики, бизда ялпи ички маҳсулот мамлакат бўйича ҳам, тармоқлар бўйича ҳам ошиб бормоқда. Буни иқтисодий сиёсатнинг ижобий натижаси сифатида тушуниш мумкин. Шунингдек, бу, қисман бўлса-да, республикада пул-кредит сиёсатининг мўътадиллигини билдириб, миллий пулимизнинг барқарорлигини таъминлаш ва мамлакат иқтисодиётининг янада ривож топишига олиб келиши муқаррар. Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ Президентимиз томонидан миллий валютани ифтихоримиз, мустақилликнинг рамзи сифатида шакллантириш учун қуйидаги асосий жиҳатларга эътибор беришимиз ва уни ўзимизга дастуриламал қилиб олишимиз лозимлиги кўрсатиб ўтилган эди. Аввало, валютамиз товар билан барқарор таъминланган тақдирдагина реал куч ва обрўга эга бўлиши мумкинлиги, сўмнинг харид қувватини ошириш учун бозорни мумкин қадар тезроқ истеъмол моллари билан тўлдириш зарурлиги, импортни қадрлаш билан бирга маҳсулотларимизнинг рақобатбардошлигини ошириш лозимлиги.

Яна бир жиҳат — миллий валютанинг барқарор амал қилиши, унинг муқимлиги, эркин алмашинуви етарли валюта заҳираси бўлишига боғлиқлиги. Бунинг учун мамлакат экспорт имкониятини кенгайтириш, корхоналарни экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтириш, жаҳон бозорида ўз мустаҳкам мавқеимизни қўлга киритишимиз даркорлиги. Экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарга инвестициялар жалб қилишни ва уларни хомашёлар билан таъминлашни йўлга қўйиш.

Навбатдаги вазифа — ҳар бир корхона, ҳар бир киши ишлаб топган сўмини қадрлашни ўрганган тақдирдагина миллий валюта реал тўлов воситасига айланишини англаб етиши. Биз миллий валютани ҳурмат қилишни, у билан фахрланишни, уни эҳтиёт қилишни ўрганиб олишимиз лозимлиги.

Кўриниб турибдики, мамлакатнинг макроиқтисодий ҳолати, унинг пул бирлиги барқарорлигини таъминлашда товарлар ишлаб чиқариш, валютанинг товар билан барқарор таъминланганлигига эришиш, истеъмол бозорини биринчи навбатда ўзимизда ишлаб чиқарилган моллар билан тўлдириш ғоят муҳим. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги "Бозорни исътемол товарлари билан тўлдиришни ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида айнан мамлакатимизда истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг турларини кенгайтиришни рағбатлантириш ва рақобатбардошлигини ошириш, ички исътемол бозорини ўзимизда тайёрланган юқори сифатли товарлар билан тўлдириш, ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотлари ўртасида ўзаро иқтисодий механизмларни такомиллаштириш мақсад қилиб қўйилган.

Макроиқтисодий барқарорликни таъминлашнинг муҳим шартларидан яна бири — бу пулнинг барқарорлиги, аввало, ишлаб чиқарилган товарлар ва кўрсатиладиган хизматларга,уларнинг сифати ва рақобатбардошлигига, жаҳон бозори талабларига мос келишига боғлиқ. Шу боис ҳам ҳукуматимиз тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга катта эътибор бериб, молия ташкилотларининг маблағларини биринчи навбатда шу соҳага йўналтириш орқали товарлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва уни кенгайтира бориш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини оширишни режалаштирди.

Лекин, афсуски, ўзини тадбиркорман деган шахсларнинг аксарияти, кичик ва ўрта корхоналарнинг кўпчилиги воситачилик ва тижорат фаолияти билан шуғулланишни ўзларига маъқул кўришмоқда. Натижада истеъмол бозорларимизда маҳаллий товарлар сони қисқариб кетди. Унинг ўрнига Хитой, Корея, Туркия ва бошқа давлатларнинг моллари кўпайди. Уларнинг кўпчилиги сифатсиз бўлиб, баъзилари инсон саломатлиги учун зарарли хомашёдан тайёрланган. Хорижда ҳатто бозор юзини кўра олмайдиган товарлар бизда пештахталарни эгаллади. Натижада аҳоли ўзи сезмаган ҳолда олган даромадининг асосий қисмини сифатсиз товарларга сарфлашга мажбур бўлди. Хорижликларнинг "Мен арзон мол сотиб олиш даражасидек бой эмасман", деган нақлига амал қилинмади.

Бундай моллардан кўра ўзимизда ишлаб чиқарилаётган болалар оёқ кийимлари, баъзи озиқ-овқат турлари, катталар кийим-бошлари анча чидамли. Албатта, ҳозир бундай сифатли моллар камёблигини эътироф қилиш мумкин. Лекин уни тўлдириш ўзимизнинг қўлимизда. Тадбиркор, кичик ва ўрта корхоналар воситачилик билан шуғулланганидан кўра бозорни тўлдириш учун ҳаракат қилиши зарур. Маҳсулотларимиз нафақат ички, балки хориж бозорларини ҳам забт этиши учун ишлаш лозим.

Агар биз кўпгина хорижий давлатларнинг тажрибасини кузатсак, аксарият ҳолларда ҳар бир тижорат соҳасининг ишлаб чиқариш корхонаси борлиги маълум бўлади. Масалан, фермер ёки фирма ишлаб чиқарган товарини дўконда ёки шохобчада сотади. Бунда албатта тадбиркор ва ишбилармон мамлакат иқтисодиётига муайян даражада ўз ҳиссасини қўшади.

Хориж давлатларида, шунингдек, кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи бир йил давомида ўзининг молиявий ҳолати бўйича ижобий хулоса олмагунча банклардан кредит ололмайди. Бизда эса сармоя капиталини ташкил қилишга, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга кредитлар берилади. Тадбиркорларимиз бундай имкониятлардан оқилона фойдаланишлари, кредитларни қайтариш тартибларига қатъий риоя қилишлари зарур.

**Шарбат АБДУЛЛАЕВА,**
**иқтисод фанлари доктори, профессор.**

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР

# Фонд бозорида корпоратив облигациялар

*Маълумки, мамлакатимизда ички ва маҳаллий заёмлар облигациялари билан бирга корхоналарнинг облигациялари ҳам чиқарилади. Улар оддий ва ютуқли, фоизли ва фоизсиз, эркин муомалада юритиладиган ёки муомала доираси чекланган ҳолда чиқарилиши мумкин. Мақсадли облигацияларнинг реквизити қайси моллар, хизматлар учун чиқарилган бўлса, шу мақсадлар учун йўналтирилади. Шу жиҳатдан олганда, облигациялар қоплаш мажбуриятини тасдиқловчи қимматли қоғоз ҳисобланади.*

## Облигация

Марказий Осиёдаги энг йирик корхоналардан бири— «Олмалиқ кон- металлургия комбинати» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ҳар бирининг номинал қиймати ўн минг сўмлик бўлган 200 минг дона ўз облигациясини муомалага чиқарди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, умумий қиймати икки миллиард сўмни ташкил этадиган ушбу «тилла қоғозлар»нинг савдога чиқарилиши ҳали «Тошкент» республика фонд биржаси фаолияти тарихида бўлмаган. Ушбу комбинатнинг облигацияларини жойлаштиришда «Ўзприватбанк» халқаро банки бош андеррайтер (яъни барча қимматли қоғозларни сотиб олиб, савдога қўювчи) бўлган бўлса, АТМ компанияси эса бу борада инвестиция маслаҳатчиси сифатида иштирок этди. Шунингдек, бу ишга андеррайтерлик фаолиятини муваффақиятли амалга ошириб келаётган халқаро эмиссия синдикатининг аъзолари — «Ўзбекинвест сармоялари» компанияси, «Ипак йўли» тижорат банки, «Алп Жамол» хусусий банки, «Капиталбанк», «Равнақбанк» ва «Бизнесбанк»лари бош қўшишди.

Албатта, буларнинг барчаси Олмалиқ кон-металлургия комбинати облигацияларига катта ишонч уйғотиши, шубҳасиз. Қолаверса, хорижлик экспертлар томонидан мамлакатимиздаги олтин, кумуш, мис, уран ва бошқа нодир металлар хомашёси заҳирасининг миқдори уч триллион АҚШ доллари қийматида, деб баҳоланиши ҳам қўшимча кафолат вазифасини ўтайди.

Бундан кўриниб турибдики, мижозлар Олмалиқнинг «тилла қоғоз»ларини ҳеч иккиланмасдан харид қилишлари мумкин. Чунки таклиф этилаётган облигациялар юридик, жисмоний шахсларга ва хорижлик инвесторларга катта қулайлик яратиш билан бирга корхонанинг эртанги истиқболини белгилашда муҳим ўрин тутади.

Айни чоғда «Тошкент» республика фонд биржасида нафақат Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг қимматли қоғозлари, балки «Коском», «ТС Технология» ва «Совпластитал» сингари бир қатор қўшма корхоналарнинг қимматбаҳо облигациялари ҳам сотувга қўйилган. Биржада мазкур хизмат юзасидан махсус листинг майдончалари ташкил этилган бўлиб, мижозлар ундан миллий сўмимизга ёки эркин валютага исталган миқдордаги облигацияларни сотиб олишлари мумкин. Ҳозир биржада сотувга қўйилган ушбу облигацияларнинг олди-сотди жараёнлари қизғин паллага кирган.

*Акциялар — ҳиссадорлик жамиятининг низом жамғармасига муайян ҳисса қўшганидан гувоҳлик берувчи, жамият мулкидаги иштирокини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади. Бу қимматли қоғозлар акция эгасига дивидендт олиш ҳуқуқини бериш билан бирга жамият бошқарувидаги иштирокини ҳам таъминлайди.*

## Акция

Фонд биржасида облигациялар савдосидан ташқари ҳиссадорлик жамиятлари ва хусусийлаштирилган корхоналарнинг акцияларини жойлаштириш борасида ҳам ишлар амалга оширмоқда. Айниқса, биржада бир неча турдаги листинг майдончаларининг ташкил этилиши мижозларга катта қулайлик яратди. Жумладан, «А» тоифасидаги листинг майдончасида республикамизнинг кўзга кўринган компаниялари акциялари сотувга қўйилган бўлса, «В» тоифали листинг-олди майдончасида энг ишончли банклар ва йирик корхоналарнинг акциялари, «С» майдончасида эса хусусийлаштирилган корхоналар, «Д» тоифали листинг майдончасида корхоналарнинг корпоратив облигациялари жойлаштирилган. Буларнинг барчаси харидорларга корхоналарни белгиланган тоифасига кўра танлаш имкониятини беради.

Бундан ташқари, сўнгги пайтларда биржада замонавий техника ва технологияларни татбиқ қилиш дастури ҳам босқичма босқич амалга оширилмоқда. Айниқса, унда «кимошди» савдосининг электрон тизимга ўтказилиши, махсус маълумот сайт базасининг очилиши ва унинг умумжаҳон компьютер тармоғига уланиши биржа учун улкан имкониятлар эшигини очди. Айни чоғда, юртимизга хориж сармоясини кенг жалб этиш мақсадида жаҳоннинг энг етакчи ахборот агентликлари билан алоқа ўрнатиш борасида ҳам дадил қадамлар ташланмоқда. Яқинда ана шундай ташкилотлардан бири — «Росбизнесконсалтинг» агентлиги билан келишувга эришилди.

Ана шу агентликларнинг маълумот базаларида мамлакатимиздаги 140 та ҳиссадорлик жамияти тўғрисида маълумотлар берувчи 800 тадан ортиқ фотосурат ва видеолистинг тасвирлар мавжуд. Табиийки буларнинг барчаси республикамизга хорижлик инвесторларни кенг жалб этиш имкониятини беради.

«Тошкент» республика фонд биржаси ўз иш фаолиятини жаҳон андозасига яқинлаштириш мақсадида Евроосиё фонд биржалари федерацияси, Франкфурт ва Истанбул биржалари билан ҳам яқин ҳамкорлик ўрнатди. Яқинда у МДҲ давлатлари халқаро биржалар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди.

Амалга оширилаётган ишларнинг самараси ўлароқ, ўтган йили биржанинг акциялар бўйича айланма маблағи 14,9 миллиард сўмни ташкил этди. 1128 та ҳиссадорлик жамиятининг умумий қиймати 14913,5 миллион сўмлик, хусусийлаштирилган корхоналарнинг эса 8656,4 миллион сўмлик акцияларини сотишга эришди. Бирламчи бозорда эркин муомаладаги валютага 16562 дона акция 532,33 минг АҚШ долларига, иккиламчи бозорда эса 243132 дона акция 1168,4 минг АҚШ долларига сотилди. Шунингдек, биржа савдоларига жисмоний шахсларни ҳам кенг жалб этишнинг махсус тизими ишлаб чиқилган бўлиб, ана шу дастур доирасида ҳиссадорлик жамиятларининг давлатга тегишли бўлган улушидан салкам 450 миллион сўмлик акцияси жисмоний шахсларга сотилди.

Кўриниб турибдики, фонд бозорида қимматли қоғозларни жойлаштириш, хориж сармоясини янги бозор инфратузилмаси орқали жалб этиш энг илғор усуллардан биридир. Айни пайтда у мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

**Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# ИЖАРАДАГИ ЕР

## одамни тўқ, иқтисодиётни бут қилади

Зокиржон Боймуродовнинг мутахассислиги — ҳисобчи-иқтисодчи. Кўп йиллар Хатирчи туманидаги Абдухолиқ Ҳалимов номли ширкат хўжалигида шу иш билан машғул бўлди. Кўпчилик ижарага ер олиб ишлаётган бир пайтда идорада ўтиришни ўзига эп кўрмади. Уйидагилар билан маслаҳатлашиб, 13 гектар ерни 10 йил муддатга ижарага олди.

Эндиги гап ер билан тиллашишда қолган эди. Аслида унинг юрак уришини сезиб, кўнглини топган — деҳқон, топмаган — шунчаки бир ўткинчи. Изланиш, фидокорона меҳнат туфайли тупроққа «жон» кирди.

Шу боис бултур у эришган ютуқларга кўпчилик қойил қолди. «Ёпирай, ташландиқ ердан 62,5 центнердан ҳосил олибдими? Буғдойининг ҳосилдорлиги 71 центнерни ташкил этибди-я! Ўзимиз ишламаймиз-да, ерни боққан кам бўлган эмас, қандини урсин, ҳалоли бўлсин!» — дейишди.

Ширкат хўжалиги бош иқтисодчиси Нурмамат Зайниддиновнинг айтишича, ижарачи етиштирган 43,8 тонна пахтанинг 23 тоннасини уруғлик сифатида сотган. Бу, табиийки, даромаднинг ошишига хизмат қилган. Пахтанинг ўзи 7,8 миллион сўм даромад келтирган. Соф фойда эса қарийб 2,5 миллион сўмни ташкил этади.

— Ҳамма ижарачилар ҳам Зокиржонга ўхшаганда эди, нур устига нур бўларди. Унга иш ўргатишнинг ҳожати йўқ. Аслида ўзи олий маълумотли мутахассис. Харажат нима, даромад нима — яхши билади, — дейди бош ҳосилот Рамазон Бақоев.

Тўғри, деҳқончилик қийин иш. Йил-йилга ўхшамайди. Аммо уддалаганга — хазина. Замон ўзгарди. Изланган, билимли деҳқон ҳеч қачон ютқазмайди. Атрофдаги ижарачилар ҳатто шартнома режасини ҳам бажармаган бир пайтда бошқа бир далада кутилганидан ҳам зиёда ҳосил етиштирилди-ку! Демак, Зокиржон Боймуродов ҳақида қанча гапирилса шунча оз.

**П. АБДУВАҲОБОВ.**



# 30 фоиз маҳсулот — хорижга

Бугунги кунда Қува қандолат ишлаб чиқариш комбинатида 25 турдаги маҳсулот тайёрланмоқда. Улар экологик жиҳатдан тоза бўлиб, жаҳон андозалари талабларига тўлиқ жавоб беради.

Яқинда эса бу ерда АҚШ технологияси асосида яна бир замонавий корхона ишга туширилди. Натижада маҳсулот тури ортибгина қолмасдан, 40 нафардан ортиқ маҳаллий ёшлар учун янги иш ўринлари яратилди.

Айни пайтда корхонада ишлаб чиқарилаётган ширинликларнинг 30 фоизини хорижга экспорт қилиш мўлжалланмоқда.

**СУРАТДА:** ***илғор ишчи Нигора Тожибоева.***

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# ПАХТАМИЗ ОБРЎСИ ОРТМОҚДА

## бунда «Ўзпахтасаноат» уюшмасининг ҳам ҳиссаси бор

Ўтган йили республикамизда 3,2 миллион тоннадан ортиқ пахта хомашёси тайёрланди. Уни қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаб, жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган даражада тола олиш "Ўзпахтасаноат" уюшмаси жамоаси зиммасига юклатилган. Айни пайтда уюшманинг барча корхоналарида иш қизғин бормоқда.

Умуман, кейинги пайтда тизимда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ўз самарасини беряпти. Барча корхоналарда мулк шакли ўзгартирилиб, улар бозор иқтисодиётига мос келадиган ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилди.Кўпгина корхоналарда хорижнинг юқори самара берадиган замонавий дастгоҳлари ўрнатилди. Масалан, Андижон, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида 30 та ҳиссадорлик жамиятида дастгоҳлар янгиланди. Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида экологияни яхшилаш, ишлаб чиқаришни хомашё базасига яқинлаштириш мақсадида замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган тўртта корхона ишга туширилди.

Биз Тошкент вилоятидаги иккита қайта ишлаш корхонасида бўлиб, уларнинг иш фаолияти билан танишдик. Қуйи Чирчиқ туманидаги "Мустақиллик" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти тизимдаги йирик корхоналардан ҳисобланади. Ўтган йили корхона деҳқонлардан 24092 тонна хомашё қабул қилиб олди. Айни пайтда уни қайта ишлаш қизғин давом этмоқда. Ҳар куни 40-45 тонна тола олиняпти. Тайёрланаётган маҳсулотнинг сифати жаҳон андозалари талабларига тўла жавоб бераётганлиги боис унинг 97 фоизи хорижга жўнатилмоқда. Ҳозиргача 12,5 минг тоннадан ортиқ пахта қайта ишланди.

— Маҳсулотларимиз сифати ошиб бормоқда, — дейди ҳиссадорлик жамияти раҳбари Султонқул Раҳмонқулов. — Унинг асосий қисми экспорт қилиняпти. Айниқса, бизнинг толамизга Италия, Швейцария, Англия, АҚШ, Жанубий Корея, Россия ва Сингапур каби давлатларда талаб катта.

Янгийўл туманидаги "Мустақил Ўзбекистон 5 йиллиги" ҳиссадорлик жамияти бундан бир неча йил илгари фойдаланишга топширилган бўлиб, цехлар замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган. Бу ерда хомашёни қайта ишлаш бошқа корхоналардагидан фарқ қилади, яъни у қисқа технология асосида амалга оширилади. Жамоа фаолияти билан танишиб, кўрсаткичлар йилдан-йилга ошиб бораётганлигига ишонч ҳосил қилдик.

— Олинаётган толанинг сифат кўрсаткичлари 90 фоиздан ортиқни ташкил қилмоқда, — дейди бош иқтисодчи Матлуба Юсупова. — Шу боис маҳсулотнинг 95 фоизи ўнга яқин хориж давлатларига экспорт қилинмоқда. Ҳозир хомашёни қайта ишлаш қизғин давом этяпти. Яна бир неча кундан



кейин бу иш ниҳоясига етказилади.

Мамлакатимизда пахтачилик самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири — уруғлик сифатини яхшилаш ва бу борадаги харажатларни камайтиришдир. Мазкур йўналишда уюшма мутахассисларининг мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланаётганлиги натижасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, тажриба сифатида Сирдарёдаги "Малик" корхонасида бутун вилоят эҳтиёжини қондирадиган, яъни 10 минг тоннагача тукли ва туксизлантирилган уруғлик чигит тайёрлаб берадиган махсус технология яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилди. Келгусида бу технологияни бошқа жойларда ҳам қўллаш кўзда тутилмоқда.

Жорий йилда уюшма томонидан "Республика пахта тозалаш саноатини 2010 йилгача ривожлантириш дастури» ишлаб чиқилди. Унга кўра, тайёрланаётган маҳсулот сифатини ошириш, айниқса, ишлаб чиқаришдаги йўқотишлар ва электр қуввати сарфини камайтириш мақсадида янги, замонавий асбоб-ускуналар ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.

Республикамизда ҳар йили ўртача 1-1,2 миллион тонна тола тайёрланади. Унинг 75-80 фоизи Англия, Германия, Франция, Жанубий Корея, Швейцария, Россия, Украина ва бошқа давлатларга экспорт қилинади. Ўтган йили экспортга жўнатиладиган маҳсулотнинг ҳажми 1,29 фоизга кўпайди. Мамлакатимиздаги пахтани четга жўнатиш билан шуғулланадиган идоралар мутахассислари жаҳон пахта бозоридаги ўзгаришларни синчковлик билан кузатадилар. 2000 йилдан бошлаб толанинг сифати ва миқдори тойлар бўйича баҳоланмоқда. Жаҳон пахта бозорида Ўзбекистоннинг мавқеини мустаҳкамлаш ва толанинг рақобатбардошлигини ошириш учун республикамиздаги стандарт кўрсаткичлар қайтадан кўриб чиқилиб, халқаро талабларга яқинлаштирилди. 1993 йилдан бери ўзбек толасининг ташқи кўриниши эталонлари Ливерпуль ва Бремен пахта биржаларида рўйхатга олинмоқда. Бу хориж фирмаларига бизнинг пахтамиз билан яқиндан танишиш ва шартномалар тузиш имконини бераётир.

Толанинг сифат кўрсаткичлари яхшиланганлиги, маркетинг ишининг йўлга қўйилганлиги боис пахтамизнинг обрўси жаҳон бозорида ошиб бормоқда. Шунингдек, ҳукуматимиз соҳага алоҳида эътибор бераётганлиги туфайли пахтачилик масалаларига бағишланган халқаро анжуманлар республикамизда ўтказиляпти. Масалан, ўтган йили Тошкентда "Пахта иқтисодий ўсиш манбаи. Ўзбекистон-2002" мавзусидаги семинарнинг ўтказилганлиги ҳам фикримизнинг далилидир.

Шундай бўлса-да, олимларимиз ва қайта ишловчилар бу йўлда тинмай изланмоқдалар. Селекция ишини яхши йўлга қўйиш, эртапишар, касаллик ва сувсизликка чидамли, толаси пишиқ ва харидоргир навларни яратиш улар олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Мамлакатимиз раҳбари, ҳукуматимизнинг бевосита ғамхўрлиги ва қўллаб-қувватлаши натижасида бу борада катта ишлар амалга оширилмоқда. Жаҳон пахта бозорини ҳисобга олиб, навларни жойлаштириш чора-тадбирлари кўрилаётганлиги шулар жумласидандир. Масалан, кейинги пайтда "Фарғона-3", "Фарғона-5", "Чимбой-3010" навлари районлаштиришдан чиқарилди. "Бухоро-6", "Оқдарё-6", "С-6524", "Армуғон" ва бошқа навлар экилаётган майдонлар миқдори кўпайтирилди.

Ўзбекистон пахтасининг юқори сифатлилиги республикамиз табиий-иқлим шароити, хомашёни етиштириш учун ниҳоятда қулайлиги билан бевосита боғлиқ. Хусусан, куннинг узунлиги, ҳарорат ва ёруғликнинг етарлилиги, ернинг ҳосилдорлиги мўл ҳосил олиш имконини беради.

Шу билан бирга, республикамизда хорижга тола эмас, балки ундан тайёрланган ип, трикотаж буюмлари ва бошқа тайёр маҳсулотлар экспорт қилишга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Кейинги йилларда шу мақсадда чет эл сармоялари жалб қилиниб, бир қатор замонавий корхоналар қурилди.

Айни кунларда эса уюшма тизимидаги корхоналар олдида ўтган йили деҳқонларимиз пешона тери эвазига етиштирилган хомашёни жаҳон андозаларига жавоб берадиган даражада қайта ишлаб, хориждаги ва ички бозордаги шерикларга етказиб беришдек муҳим вазифа турибди. Катта тажрибага эга бўлган жамоа унинг уддасидан чиқишига шубҳа йўқ.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# ҒАФУР ҒУЛОМНИНГ КУЛГИСИ



Одатда истеъдодли одамлар бири кўпроқ, бири камроқ даражада юмор туйғусига эга бўлади. Ғафур Ғулом ҳам бундан истисно эмас эди. Ҳажвиёт, юмор, ҳазил-мутойиба асарларига ўзига хослик, бетакрорлик ва жозиба бахш этиб туради. Унинг «Шум бола» қиссаси оламга машҳур. Одмигина ўзбек боласининг анчайин оддий саргузаштлари адибнинг моҳир қалами остида чинакамига халқ юморига йўғрилгани учун жаҳон адабиётининг энг ёрқин намуналари билан бемалол бўйлаша оладиган қувватга эга бўлди. Шахсан мен болалигимдан бери Марк Твеннинг «Том Сойер»ини жуда яхши кўриб, ўқиб келаман. Айни чоғда Ғафур Ғуломнинг «Шум бола»сини ҳам ундан кам кўрмайман ва сиқилган, нохуш кайфиятга тушиб қолган чоғларимда уни қўлга олиб варақлай бошлайман. Ишонаверинг — қисса менга энг яхши дармон-доридай таъсир қилади ва нохуш кайфият бир зумда баҳор булутидай тарқаб кетади. Айтмоқ керакки, фақат «Шум бола» эмас, Ғафур Ғуломнинг ҳамма ҳикоялари ва барча қиссалари жуда нозик юмор туйғуси билан суғорилган. Ўз вақтида адабиётшунослар адиб ижодида ҳажвиётнинг роли тўғрисида кўпгина илмий асарлар яратишган ва бу масалани миридан-сиригача тадқиқ қилишган. Шунинг учун мен мазкур мақолада бу буюк инсон асарларидаги ҳажвиёт унсурлари ҳақида гапирмоқчи эмасман. Мен унинг шахсиятидаги, ҳаракатидаги, табиатидаги юмор ҳақида мулоҳаза юритмоқчиман. У табиатан қувноқ, ҳазил-мутойибасиз туролмайдиган, бу ўткинчи дунёнинг ҳар қандай воқеаларига юқоридан, хиёл кулиб, хиёл беписанд қарай оладиган бир инсон эди. Ўз халқининг юморини яхши билар ва яхши кўрарди, унинг ҳамма жилолари, замзамалари, мавжлари ва пўртаналари шоир табиатига сингиб кетган эди. Ғафур Ғуломнинг оламдан ўтиб кетганига анча бўлди — уни ҳар гал соғинганимда эсласам, бу бетакрор одамнинг шахсияти тўғрисида фикр юритсам, бир хулосага келавераман — бу одамда ўзбек халқининг мангу қаҳрамони Хўжа Насриддиннинг энг яхши сифатлари мужассам эди. У нафақат моҳир латифагўй эди, балки ўзи ҳам қанчадан-қанча янги латифаларни тўқиб чиқарар, кейин улар Насриддин афанди ҳақидаги ҳикоялар тарзида кенг тарқаларди. Нафақат латифагўйлик, кўпгина ҳаётий вазиятларда у афандидай ҳаракат қилар ва афандидай ҳозиржавоблик ҳамда топқирлик билан зукко гапларни айтар эди. Уларнинг айримларини мен эшитганман, айримларини эса ўз кўзим билан кўрганман.

Шоир теварак-атрофидаги одамлар билан ҳазиллашмай тура олмас эди. Айниқса, ижодкорлар доирасида бирон сафарга чиқишганда Ғафур ака ҳажв илҳомчиси жиловини елкасига ташлаб қўйиб роса мириқиб яйраб-яйраб ҳазил қилар, қилган ҳазилидан ўзи ҳам, теваракдагилар ҳам ичаклари узилгунча кулишар эди.

Зулфия опа бир воқеани айтиб берган эди. Урушдан аввал Хоразмдами, Қорақалпоғистондами ижодкорларнинг анжумани бўлибди. Ўша кезларда «витамин» деб аталган турфа хил рангдаги таблеткалар янги чиқиб, расм бўлаётган экан. Ғафур ака ўша витаминлардан ичиб юрар экан. Бир куни нонуштадан олдин таблеткадан биттасини тилининг тагига ташлаб олганини кўрган рассом Абдулҳақ Абдуллаев сўраб қолибди:

— Ғафур ака, нима у, қандай дори? Ҳар куни икки-уч марта ичасиз-а?

Ғафур ака таниқли рассомнинг соддалигидан кулибди-да, жавоб берибди:

— Ие, ҳали буни билмайсанми? Бу — ароқ. Ҳозир техника ривожланиб кетган, ароқни қотириб, таблетка ҳолида чиқаряпти. Биттасини тилингнинг тагига ташлайсан-у, бир оздан кейин кайф қила бошлайсан.

Абдулҳақ ака ишонмабди. Ғафур ака уни ишонтирмоқчи бўлибди.

— Мана, ўзинг биттасини ичиб кўр — кайф қилмасанг, мен кафил.

Абдулҳақ ака умрида ичмаган одам экан. «Қандоқ бўларкин?» дея тараддудланибди, иккинчи томондан эса — илм-фаннинг бунақа мўъжизаси — таблетка шаклидаги ароқ. Ғафур аканинг қистови билан бир дона витаминни тилининг тагига ташлабди.

Орадан ўн дақиқа ўтар-ўтмас, Абдулҳақ ака кириб кетган хонадан кимнингдир ғазабнок овози эшитилибди.

—Ким у Абдулҳақни ичирган? Қайси бир нобакор қўй оғзидан чўп олмаган, бу ювош одамни маст қилиб қўйди?

Зум ўтмай, рассомларга бош бўлиб келган мутасадди кириб келди. У ҳали ғазаб отидан тушмаган эди!

— Ахир, ўн беш минутдан кейин учрашув бошланади-я! Абдулҳақ ғирт маст, оёқда туролмайди, оғзидан боди кириб, шоди чиқяпти. Қандай қилиб учрашувга боради? Мен буни шундай қолдирмайман, Тошкентга қайтганда тегишли жойларда гаплашамиз.

Мутасаддига воқеани айтиб беришди. Буни эшитиб, у ҳам ғазабдан тушди ва анчагача ўзини тутолмай, қорнини силкита-силкита роса кулди...

Мен ўзим гувоҳ бўлган яна бир воқеани айтиб берай. Москвада Лев Минаевич Пеньковский деган бир таржимон бўларди. У ўзбек классикларининг асарларини таржима қилар, Ғафур Ғулом шеърларини ҳам. Ва табиийки, бу жараёнда шоир билан анча дўстлашиб қолган эди. Лекин беайб Парвардигор, деганларидек, бу моҳир таржимон ҳам бир қусурга эга экан — у пул масаласида жиндай... зиқнароқ экан. Хуллас, Ғафур Ғулом нима ҳам бўлган-у, ундан ўттиз сўм қарз олган экан. Кейин эса шоирнинг ёдидан кўтарилганми ёки Лев Минаевичнинг хасислигини билгани учун атайин уни жиндай хуноб қилмоқчи бўлганми — ҳар ҳолда, қарзни вақтида қайтармаган. Лев Минаевич эса қаерда учратса, албатта, салом-аликдан кейин пулни қайтарармикан деган умидда унга мўлтираб қараб тураверар экан.

Москвада Герцен кўчасида ёзувчиларнинг марказий уйи бўлиб, ҳар хил ишлар билан Москвага ташриф буюрган ёзувчилар оқшомлари шу ерга келиб туришарди. У ерда тузуккина ресторан бор эди. Унинг хоналаридан бири анча кенг, лекин бундан ҳам муҳими — деворларига ҳар хил рассомлар турли ёзувчиларнинг расмларини ишлаб қўйган, шоирларнинг ҳазил шеърларидан ҳам намуналар мавжуд эди. Бир гал мен ҳам Ғафур Ғуломга эргашиб, шу ерга борган эдим. Кираверишда бир даврада Лев Минаевич ўтирибди, Ғафур Ғуломга тўрдаги столдан жой тайёрлаб қўйишибди. Ўтирдик. Овқат буюрдик. Бироз тамадди қилиб, ўзимизга келиб олгандан кейин, Ғафур аканинг шўхлиги тутиб қолди, шекилли, ўтирган жойидан бутун залга эшитиладиган қилиб ҳайқирди.

— Лёва!

— Да, Гафурчик, — деб сапчиб ўрнидан турди Лев Минаевич.

— Иди сюда, — деб чақирди Ғафур ака. Лев Минаевич пилдираб, бизнинг столимиз ёнига келди. Бир зумда залдагиларнинг эътибори бизнинг столимизга қаратилди.

— Мен сендан ўттиз сўм қарзман-а? — деб сўради Ғафур ака баланд овозда.

Лев Минаевич қарзнинг унишидан умидвор бўлиб, дарров жавоб берди.

—Ҳа, ҳа, шунақа.

— Ма, манавини олиб қўй, — деди Ғафур Ғулом.

Лев Минаевич Ғафур Ғулом узатган йигирма тийинлик тангани шоша-пиша қўлига олди-да, уни нима қилишни билмай, бир тангага, бир шоирга қараб, анграйганча тураверди.

— Мен сендан ўттиз сўм қарзман-а? — деб сўради Ғафур Ғулом баланд овозда. — Мана, йигирма тийинни олдинг. Энди қарзим йигирма тўққиз сўм саксон тийин қолди. Ҳисобли дўст айрилмас дейишади. Қўрқма, пулинг менда қолиб кетмайди.

Бирдан бутун зални ларзага соладиган қаҳқаҳа кўтарилди. Лев Минаевич бу гал ҳам қарзи унмаганига ранжиган бўлса-да, ўзбек шоирининг ҳазилкашлигига тан бериб, кула-кула ўз даврасига қайтди.

Яна бир воқеани радиода хизмат қилган ёш ижодкорлар айтиб беришган эди.

Ғафур ака радионинг адабиёт бўлимига тез-тез бориб турар экан. Бир борганида қалам ҳақи масаласида гапирипти.

— Шеърим ўқилганига бир ҳафта бўлди, шу пайтга қадар ҳақини берганинглар йўқ.

Бошқа ҳамма ижодий ташкилотлар сингари радио ҳам қалам ҳақини икки ойсиз бермас эди. Лекин Ғафур Ғулом бунақа «қоидалар»ни тан олмас, ҳақини ҳатто баъзан олдиндан олиб қўйишгача борар эди. Лекин бу галги кечикишнинг сабаби бошқа эди. Йигитлар шуни айтишипти:

— Ғафур ака! Биз китобда босилган шеърингизни берган эдик. У эски шеър, эски асарларга қалам ҳақи берилмайди.

— Ҳой, болаи лодон, бу гапни бир айтдинг, иккинчи қайтарма. Шуни билиб қўйки, Ғафур Ғуломнинг асарлари эскирмайди.

Йигитлар қалам ҳақини тўғрилаб беришибди.

Бу гал эса бошқача бўлибди. Ғафур ака бироз ширакайф экан. Бўлимга кирибди-ю, бир столга ўтириб олиб, ҳўнг-ҳўнг йиғлайверибди. Хонадаги ходимлар нима қилишларини билмай, саросимага тушиб қолишибди.

—Ҳой, Ғафур ака! Нима бўлди, ахир? Гапирсангизчи! Ким хафа қилди? — деб кўнгил сўрашибди улар.

— Нега хафа бўлмай, — жавоб берибди Ғафур ака кўз ёш аралаш. — Сендай укаларим, шогирдларим бўлса-ю, мен пулсиз, ғарибгина бўлиб юравераманми?

Ходимлардан бири дебди:

— Ғафур ака! Нега бундай дейсиз? Биз ҳамма қалам ҳақингизни бериб бўлганмиз. Биздан бекорга хафа бўляпсиз.

Ғафур аканинг жавоби тайёр эди:

— Нима, ҳамма қалам ҳақини бериб бўлган бўлсаларинг, энди менинг шеърларимни бошқа эшиттирмайсанларми? Келажакдаги қалам ҳақларим ҳисобига жиндай пул берсаларинг осмон узилиб ерга тушмайди.

Албатта, Ғафур Ғуломдан бошқа одам бўлганида ходимлар тегишли жавобни бериб, ковушини тўғрилаб қўйишарди. Лекин Ғафур Ғуломга бунақа муомала қилиб бўлмас эди-да. Иккита ходим у кишининг илтимосини бажаргани чиқиб кетишибди. 15 минутлардан кейин қайтиб келишса, хонада ҳамманинг чеҳраси равшан, бояги дилсиёҳликдан асар ҳам йўқ. Ғафур ака жуда хушкайфиятда хонадагиларга латифа айтиб, кулдириб ўтирганмиш.

Бир амаллаб, отанг яхши, онанг яхши деб ҳисобчидан келгусида ёзилажак асарлар учун қалам ҳақи ундириб чиққанлар пулни аста Ғафур аканинг олдига — стол устига қўйишибди. Ғафур ака пулни кўриб, «Нима бу?» деб сўрабди.

— Ёзилажак асарларингиз учун қалам ҳақи...

— Нима, қиламан бу пулни? Ҳали пулга муҳтож бўлиб қолганимча йўқ. Сенларга пул керакми? Мана пул, олларинг қанча керак бўлса!

Шундай деб шоир ёнидан бир даста пул олиб, стол устига ташлабди. Йигитлардан бири сўрабди.

— Ахир, ўзингиз қалам ҳақимни берасанлар деб туриб олдингиз-ку?

— Эй болам, сендан мен пул сўраганим йўқ эди, қадрим қанча туришини билмоқчи эдим, холос, — дебди шоир.

Хонада кулги кўтарилибди.

Ғафур Ғулом табиатан қувноқ одам бўлгани учунгина кулган эмас, баъзан у кулгидан бало-қазолардан асрайдиган бир қалқон сифатида фойдаланган. Кулги унинг учун тақдирнинг ўринли-ўринсиз хуружларидан ҳимояланиш учун қалқон вазифасини ҳам бажарган. Баъзан эса ҳаддан ташқари қалтис ва жиддий вазиятлардан қутулиб кетишда ҳам кулги ёҳуд юмор шоирга жуда катта ёрдам берган.

1937 йил сталинча қатағонлар бутун мамлакат бўйлаб энг авжига чиққан давр бўлганди. Ўшанда гўё бутун мамлакатта ўт кетган-у, бу ўтда ҳўлу қуруқ баравар ёнаётгандай эди. Бу талотўпда миллионлаб одамлар гуноҳсиз, бекордан-бекорга, арзимаган нарсаларни баҳона қилиб турмага ташланган, сургун қилинган, отилган, маҳв этилган эди. Бундай вазиятда ҳазил сиғмас эди. Аммо инсон инсон-да, ҳатто шундай шароитда ҳам одамлар кулгини қадрлаган.

Ўша йили Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бир тарихий мажлис бўлган. Бу мажлис беш кун муттасил давом этган. Одамлар енгил-елпи овқатланиб олиш учунгина танаффус қилиб, бошқа вақтларда фақат мажлис қилишган, яъни бир-бирларини «фош» қилиш билан шуғулланишган. Ўшанда бу мажлисдан уч-тўрт кун аввал бир гуруҳ зиёлилар қамоққа олинган эди. Шунинг учун мажлиснинг кун тартибида фақат битта — «Халқ душманларининг қолдиқлари ва думларини битта қолдирмай йўқ қилайлик», деган масала турарди.

Маърузада кўплар қатори Ғафур Ғулом ҳам қаттиқ фош қилинди — «Бу шоир одамларни алдаб пулини олиб кетган, таъмагирлик билан уларнинг чопонини кийган, чойхонада ошхўрлик қилиб ичган ва шу йўл билан шўро шоирининг обрўсини тўккан», деб росмана айб қўйилган эди. Бу — жуда даҳшатли сиёсий айб эди. Бунинг устига катта мажлисда ошкора айтилган айб эди. Бунинг учун ҳар қандай одамни ҳам оёғини ерга теккизмасдан борадиган жойига олиб бориб қўйиш мумкин эди. Ғафур Ғулом сўзга чиқиб, бу воқеалар чиндан ҳам бўлиб ўтганини, лекин ҳеч қанақа сиёсий мазмунга эга эмаслигини, жуда нари борса, энг оддий, энг хашаки маиший воқеа эканини гапириб беради. Шоир буларнинг барини шу даражада қилиб гапирадики, залдагиларнинг ҳаммаси роса кулишади ва «наҳотки шу арзимас гапларни каттакон анжуманда жиддий муҳокама қилиб ўтирибмиз, ўзимиз ҳам тирноқ тагидан кир қидирадиган жуда майда, жуда бачкана одамларга айланиб қолибмиз-да», деб ўйлашган бўлса ажаб эмас. Мен бу гапларнинг ҳаммасини ўша мажлиснинг стенограммасидан кўчириб олганман. Стенограммада шоирнинг сўзлари аниқ ифодаланганига ҳеч қанақа кафолат йўқлиги учун, уларни ўзимнинг ибораларим билан ихчамлаштириб бераяпман. Шундай қилиб, Ғафур Ғулом ҳикоя қилади:

— Якшанба эди. Нонуштани қилиб бўлиб, райҳонларга қараб юргандим, эшик тақиллаб қолди. Чиқиб қарасам, Ҳусайн Шамс билан Насрулла Охундий (Ёзувчилар уюшмасининг ўша вақтдаги раҳбарлари) туришибди.

— Ғафур, бир тоққа бориб айланиб келмаймизми? — деди Ҳусайн Шамс.

— Хўп, — дедим ва дарров отланиб чиқдим.

Бўстонлиққа йўл олдик. Хўжакент деган жойдаги машҳур чойхонага етиб бордик. Чойхонада ўтириб, мириқиб чой ичдик, у ердаги одамлар билан гурунглашдик. Кўп ўтмай, тоғ ҳавоси таъсир қилдими ёки ўша ердаги булоқ сувида бир ҳикмат бор эканми, билмадим — қоринлар талай бошлади. Бирор нарса олиб, еййлик десак, ҳеч қайсимизда пул йўқ экан. Уччовимиз ҳам бир тийин олмай, бир-биримизга ишониб чиқиб келаверибмиз. Ноилож мен чойхоначига ялиниб-ёлвориб, кимлигимизни айтдим, насияга бир ош қилиб беришини сўрадик. Чойхоначи ҳам шинаванда одам экан, дарров «хўп» деди. Ош пишди, уни иштаҳа билан едик, анави сабилдан ҳам жиндай-жиндай бўлди. Бу орада қош ҳам қорая бошлабди. Тоғ оқшомлари ғалати бўлар экан — бир зумда ҳаммаёқ совиб кетди. Биз «дир-дир» қалтираб, бир-биримизнинг пинжимизга суқилишдан бошқа илож тополмадик. Чойхонадагилар аҳволимизни кўриб, раҳмлари келди, шекилли, учта чопон олиб келиб, устимизга ёпишди.

— Манавини кийиб олинглар. Яна уволингизга қолиб юрмайлик.

Кейин ухлаб қолибмиз. Бир маҳал кўзимни очсам, юк машинасининг устида кетиб боряпмиз. Ҳаммаёқ зим-зиё. Осмондаги юлдузларнинг шуъласи йўлларни ёритишдан ожиз. Тошкент йўлининг ярмига етиб қолибмиз. Дарҳол, шерикларимдан сўрадим:

— Шошманглар, чойхона паловнинг пули нима бўлди? Чопонларни нима қилдик.

Ҳусайн Шамс деди:

— Хавотир бўлма. Ҳаммасини гаплашдим. Пулни ҳам, чопонларни ҳам ўзим қайтариб юбораман.

Кўнглим тинчиб яна уйқуга кетдим. Шамс ваъдасининг устидан чиқдими, йўқми — хабарим йўқ.

Залда ўтирганлар хо-холаб кулиб юборади ва Ғафур Ғуломнинг «халқ душмани» экани тўғрисидаги масала шу билан бартараф бўлади.

Ғафур Ғулом ана шунақа ажойиб одам эди. Албатта, у кулгига ҳар қанча яқин бўлмасин, юмор туйғуси унинг табиатига ҳар қанча сингиб кетган бўлмасин, унинг шахсияти фақат шундай жиҳатлардан иборат бўлган эмас. Керак бўлганда ўта жиддий асарлар ҳам ёза билар, ҳар қандай жиддий масалаларни жиддий ҳал қила билар эди. Лекин унинг қалбига ўрнашиб олган туғма юмор туйғуси бу буюк инсонга бетакрор жозиба, мислсиз ўзига хослик бахш этиб турарди. Бундай одамлар юз йилда бир бино бўлиб, бутун элу юртнинг фахрига айланади.

**Озод ШАРАФИДДИНОВ.**

# «Авжи шараф узра офтоб ўлди ҳаё»

*Ровийларнинг келтиришича, ўлимга ҳукм қилинганлар орасида бир аёл ҳам бор экан. Тонгда қатлга олиб кетишаётганда у посбондан игна ва ип сўрабди. "Игна-ипни не қиласан?" дебдилар.*

*— Кийимимнинг ён томондаги чоки сўкилибди, шуни чандиб олай.*

*— Бу юмуш сенга не учун керак, ахир бир неча лаҳзадан сўнг ёруғ дунё билан хайрлашасан-ку!?*

*— Мен аёл кишиман, ўлимим олдида ҳам шарм-ҳаёни сақлашим даркор. Йиртиқ кийим билан халойиқ олдига чиқиш мен учун уят.*

Шарму ҳаё — аёлнинг ҳусни. Гарчи аёл нечоғли мафтункор ва хушсурат бўлмасин, шарму ҳаёси йўқ эрса у ўзгалар кўзига жуда хунук кўринади. Кўҳна Шарқ ўзининг ҳаёли ва иболи аёллари билан маълум ва машҳур бўлган.

Ҳаёт ҳар биримиз учун синов, шу синовларни енгиб ўтиш жараёнида кўп маротаба бошимиз тошга тегади, баъзан қоқиламиз ёки ўзгалар қўйган "тузоқ"қа илинамиз. Ўзимизни ҳимоялаш зарур бўлади. Қай йўл билан бўлса-да, ҳақлигимизни исбот қилмоқликка уринамиз. Шундай кезда аёл киши ўзича турли тадбирлар ўйлайди, тақдир машаққатлари олдида илк бор боши қотиб, ўзгалар маслаҳатига муҳтож бўлиб қолади. У ўйлаган тадбирдан ён-атрофдагилар огоҳ бўлиши, шундагина аёл улардан бирор бир кўмак олиши мумкин. Бироқ... ўртада аёл ор-номуси, ҳаёси бор! Аёл эса шарму ҳаё чегараларидан чиқиб ўзи ўйлаган тадбирларни бажармоқликка ботинмайди. Негаки, унинг қон-қонига сингиб кетган ҳаё бунга йўл қўймайди. У сиру асрорини бошқаларга маълум этишдан кўра шарму ҳаёсини йўқотмай, сукут сақлашни афзал кўради. Тангрининг ўзидангина мадад сўрайди у. Зеро, бундай аёл ҳаёсини асрагани учун қутлуғ ажрларга муносиб, ҳар икки дунё саодатига эришгусидир!

Бир ошиқ Зебуннисога "Эй, гулбадан қиз, юзингни очиқ кўрмоқлик ва ҳусну латофатинг жилвасидан баҳраманд бўлмоқликка ташнаман", — деган мазмунда байт ёзиб жўнатади. Шоирга жавобан Зебуннисо "Кўрмоқликка майли бўлган киши мени шеърларимда кўрсин", дея жавоб ёзади. У аёл ҳаёси ҳар нарсадан устун эканини ғазалларидан бирида ифодалайди:

***Лайли зотидан эсам-да, дилда Мажнундек ҳаво,***
***Тоғу тош кезгум келур, лекин йўлим тўсгай ҳаё...***

Тарихий манбаларга кўра, темурий маликаларнинг кўпчилиги отда сайр қилишни ёхуд жангу жадалларда иштирок этишни хуш кўришган. Жаҳоноро бегимнинг қурол-аслаҳа тақиб, ҳарбий машқларда қатнашгани кўпчиликни ҳайратга солган. Лекин улар қанчалар шижоатли, ўктамлик бобида ягона бўлишмасин, ҳар қандай вазиятда ҳаё-иффат чегарасидан четга чиқишмаган. Ўзини тутиши, сўзлари, ҳатто ўзгалар суҳбатига аралашуви ҳам одоб доирасида бўлган. Мамлакат ишларини бошқаришда буюк соҳибқиронга яқин маслаҳатдош бўлган Бибихонимдай жасур аёл ҳам доимо ҳаёли ва назокатли бўлмоқликни унутмаган экан.

Абдулла Авлонийнинг шундай сўзи бор: "Ҳаё дилни равшан қиладиган бир нурдирки, инсон ҳар вақт шул маънавий нурнинг зиёсига муҳтождир... Иффатнинг пардаси, виждоннинг ниқоби ҳаёдир". Демакки, ҳаё иффатли аёл гўзаллигини янада оширади, унинг чеҳрасини мунаввар этади. Ножоиз сўзларни сўзламоқликдан сақланган, ҳамиша очиқ чеҳрали бўлган аёл номусли ҳамдир. Бундай аёлларимиз оилада эркак шахсини улуғлайди, қизларига ҳам шундай тарбия берадиларки, ул қиз қачондир улғайгач, бошқа бир ошиённи гулу гулзорга айлантиради. Ўғилларни эса шундайин назокат ила улғайтирадиларки, улар вояга етганларида ҳар бир аёлда ўз онасининг сиймосини кўради.

Ҳа, ҳаёли аёлда хислат кўп, фазилат кўп. Улар оилада мўътабар она, иззатли рафиқа ва хушхулқ уй соҳибаси бўлиб, ён-атрофдагиларга ҳам ўрнак кўрсатадилар. Беҳаёлик эса аксинча, кишини разолатга бошлайди, шармисор этади, қадр-қимматини ер билан яксон қилади. Бир аёлнинг шармсизлиги биргина оиласини эмас, балки у яшаётган маҳаллани, ҳатто юртини иснодга қолдиради. Беномуслик баъзан миллат шаънига доғ тушириб, садоқатни хиёнатга айлантиради...

Ҳазрати Навоий ҳаёни "шараф офтоби" дея таърифлайди:

***Авжи шараф узра офтоб ўлди ҳаё,***
***Бўстони саодатга саҳоб ўлди ҳаё...***

Қиссадан ҳисса шулки, ҳар бир ўзбек аёли доимо ҳаё пардаси ичра улуғланаверсин. Зеро, бу нозик парда ортида меҳр-муҳаббат, садоқат, фидойилик ва малоҳатлилик, латофат ва назокатнинг шуъласи барқ уриб туради.

**Зайниддин ИСАМУҲАМЕДОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи,**
**уруш ва меҳнат фахрийси.**

# Ҳар нақшда меҳр мужассам

Қаршимизда турли рангларда товланиб турган турфа сўзаналар. Ҳар бир гул ва нақш нозик дид, меҳр билан тикилганлиги шундоқ кўриниб турибди. Ранглар жилосида каштачи қиз-аёлларнинг қалбидаги ўй-кечинмалари, ойдин хаёллари акс этгандай. Ҳар бирини мукаммал ва бетакрор санъат асари дейиш мумкин.

Бундай жилвагар сўзаналарни ким ва қачон бошлаганини бу ерда аниқ билишмайди. Лекин саволингизга аёллар осонгина "ҳамиша, ҳаммамиз сўзана тикиб келганмиз" деб қўя қолишади.

Аслида қадим Нуротада миллий каштачиликнинг ўзига хос мазмун ва шаклга мансуб мактаби яратилган. Қизлар ҳали 6-7 ёшга тўлмай туриб, зий, жияк тикишган ёки ипларини тайёрлашган. Улғая борган сари даструмол, белбоғ, палак, лўлаболиш, қуроққўрпа, жойнамоз, жойпуш кабилар тикишни ўрганишган. Сўнгра сўзаначиликнинг ҳақиқий матоларига қўл ура бошлайдилар. Гулли ёки нақшли қилиб тикишга одатланишади, ижодий изланишларини юзага чиқаришга ҳаракат қилишади. Ҳар бир сўзананинг нафис шакли, мазмундорлиги ҳақида ўйлашади.

Нурота сўзаналари, чеварларининг маҳоратлари ҳақида кўп гапириш мумкин. Халқаро кўргазмаларда бир неча бор юқори баҳоланганлиги кўпчиликка маълум. Бугунги кунда ҳам улар дунёнинг кўпгина музейларини безаб турибди.

Санъатшунос У.Чепелевецкаянинг "Ўзбекистон сўзанаси" китобидан қуйидаги сўзларни ўқиймиз: "Нурота кашталари бошқа туманларнинг кашталаридан ўзининг мукаммаллиги-ю, аниқ ифодалари билан ажралиб туради. Шунинг учун маҳаллий кашталар ҳақидаги маълумотларни Нурота кашталаридан бошлаш мақсадга мувофиқ бўлади".

Бироқ, ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб халқ амалий санъатининг қатор турлари каби Нурота каштачилиги ҳам ўз мавқеини йўқота боргани ҳаммага аён. Фақат мустақиллик туфайлигина миллий халқ санъати ривожига ойдин йўл очилди. Қадим шаҳар сўзаначилигининг ҳам асл, нодир, нафис кўринишлари, шакли ва мазмундорлигини қайта жонлантириш сари дадил қадам ташланди. Асрлар давомида чевар заковати, қалб шуури, қўллари билан яратиладиган мўъжизага эътибор ошди. Қарийб ҳар бир оилада миллийлик акс этган сўзаналар тикланаяпти. Бугина эмас, Ўзбекистон Бадиий академияси Нурота тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати қошида "сўзаначилик" кичик ишлаб-чиқариш корхонаси ҳам иш бошлади.

— Замона талабига мос жараённи вужудга келтирдик, — дейди лицей директори Аминжон Қодиров. — Мақсадимиз юртимиз сўзаначилик санъатининг ўзига хос мазмун, шакл, ранг ва бошқа усулларини давом эттириш ҳамда мавжуд хусусиятларини бойитишдир. Киприк қадаб оддий игна ва ангишвона ёрдамида гўзал манзара кашф этиш ўта мураккаб жараён. Бироқ, ёшларимиз ана шу касб сирларини ҳам пухта ўзлаштиришларига не етсин!

— Сўзана форсча "сўзан" — "нина" сўзидан олинган экан, — дейди Файзулла Хўжаев номли маҳаллада яшовчи Санобар опа Ортиқова. — 35 йил ўқитувчилик қиллим. Мана, 4 йиллирки, момоларимиздан қолган меросни янада ривожлантиришни дилда туйиб, ёшларга каштачилик сирларини ўргатаяпман. 10-15 нафар қиз олти ойда мустақил ишга йўлланма олаяпти.

**Халқ амалий санъати**

Каштачилик авлоддан-авлодга ўтиб келаётган жуда нозик касблиги ҳаммага маълум. Агар эътибор берсангиз, унинг заҳматталаб санъатлигини сезасиз. Чеварлардан ўз касбига муҳаббатни, сабр-тоқат ва катта маҳоратни талаб этади. Азалдан сўзаналар узунлиги 2-3, кенглиги 2 метргача тикилган. Аввало, кенглиги бўйлаб безаклар солингач, нақшинлар бутун сатҳ бўйлаб зичланади. Ҳар ким ўзи идрок этган табиат, теварак атрофдаги ҳодисалар ҳақидаги тасаввурларини акс эттиради. Нақшинлар чизишга мусаввир нуқтаи назаридан ёндошмоқ керак. Бугина эмас, пиллани пишириш, турли рангларга бўяшнинг ҳам ўзига яраша сир-асрорлари бор.

Фарида Туробова, Наргиза Хушвақтова, Дилдора Ҳамдамова, Марҳабо Ҳамроева, Зулайҳо Абдиева каби иқтидорли шогирдларим билан фахрланаман. Саккиз фарзандим бор, беш нафари қизлар. Гарчи олий маълумотли мутахассислар бўлишса-да, каштачиликда ҳам ҳеч бир чевардан қолишмайди.

Сўзаналаримизнинг харидорлари кўп. Музейлардан буюртмалар олаяпмиз. Шаҳримизга келаётган сайёҳлар кашталаримизга қизиқиш билан қараб, сотиб олишмоқда. Хуллас, қўлда тикилган мўъжизамиз ер юзидаги ўнлаб мамлакатлар хонадонларига кириб бораяпти.

Дарҳақиқат, Санобар опа каби чеварлар қадим шаҳарда кўп. Қайси хонадонга бош суқманг, турли-туман каштачилик буюмларига кўзингиз тушади. Айниқса, янги келинчак уйига кирсангиз, ўзига хос музейни томоша қилгандек бўласиз. Тахмондаги кўрпа ва чойшаблардан тортиб, попукли ёстиқлар, сочиқ, сўзаналар, гиламлар — барча-барчаси хонадон бекаларининг нозик қўлларида яралганини билиб, қойил қоласиз. Уларда чеварларнинг юрак меҳри, кўз нурлари мужассам. Пок ниятлар, орзу-умидлар, ҳатто армонлар ҳам ипу матога кўчганига амин бўласиз. Нақадар гўзал, нақадар афсункор бу нақшлар.

Яна айтиш мумкинки, улар ўзбек каштачилиги услуб жиҳатидан яхлит ва етук санъатлигидан нишона. Миллий қадриятларимиз қайтадан қадр топаётганига яққол далил ҳам. Зеро, аждодлардан мерос ҳунарни эъзозлаганлар ҳеч қачон кам бўлмагай!



**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

Ислоҳот одимлари

*Бозор иқтисодиётига ўтиш барча жойларда фаолиятни тубдан янгича ташкил этишни тақозо этмоқда. Хусусан, кейинги йилларда таълим тизими бошқарувида ҳам жиддий ўзгаришлар юз берди. Шу ўзгаришлардан бири — олий таълим муассасаларида Васийлик ва кузатув кенгашларининг қарор топаётганлигидир.*

*Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 8 июндаги «2001-2002 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги Қарорида айтилганидек, Васийлик ва кузатув кенгаши олий таълим муассасаларининг мустақиллигини кучайтириш ҳамда уларнинг моддий-техник базасини такомиллаштиришга хизмат қилади.*

# ВАСИЙЛИК КЕНГАШИ

## олий таълим ривожида муҳим роль ўйнамоқда

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида 1995 йилнинг 21 май куни «Ўзбекистон енгил саноатининг ҳолати, ривожланиш истиқболлари ҳамда фан ва ишлаб чиқаришнинг алоқаларини чуқурлаштириш» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтганди. Ушбу анжуманда институтнинг моддий техник базасини янада ривожлантириш, кадрларга бўлган талабни илмий асослаш ҳамда институт профессор-ўқитувчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш имкониятларини кучайтириш вазифаларини бажарадиган Васийлик ва кузатув кенгашларини шакллантириш ғояси илгари сурилди. Шунга асосан Кенгаш институтда иш бошлади ҳамда «Ўзбекенгилсаноат», «Ўзпахтасаноат», «Ўзбек ипаги» уюшмаларининг раислари унинг ўриндош раислари, пахта тозалаш, тўқимачилик, енгил саноат, кичик ва қўшма корхоналарнинг раҳбарлари унинг аъзолари этиб сайланди.

Васийлик ва кузатув кенгаши шу кунгача институтни ҳар тарафлама ривожлантиришга қаратилган кўпгина тадбирларни амалга оширди.

Табиийки, ҳар бир иморатнинг сифати пойдеворидан бошланганидек, ҳар бир олий ёки бошқа даражадаги таълим муассасалари фаолиятининг муваффақияти, улардаги барқарор ривожланиш ҳам, энг аввало, ўқув-тарбия ишлари моддий-техника базасининг мустаҳкамлиги ва замонавийлигига боғлиқ. Васийлар Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтига ҳомийлик ёрдамини кўрсатдилар. Масалан, улар совға қилган компьютерлар институт компьютер марказига ва илмий кафедраларга жойлаштирилди. Бундан ташқари, Васийлик кенгаши институтда тўқимачилик ва енгил саноат тармоқларида янги техника ва технологияларни ривожлантириш бўйича илмий изланишларнинг режасини белгилаш, уларни маблағ билан таъминлаш соҳаларида ҳам фаол иш олиб бормоқда. Айни пайтда, Васийлик ва кузатув кенгашида институтнинг моддий-техник базасини ривожлантиришда айниқса, фаол ва халқаро ҳамкорлик муҳим омил бўлиши қайта ва қайта таъкидлана бошланди. Институт раҳбарияти бу йўналишда Васийлик ва кузатув кенгаши раҳбарлиги билан ҳамкорликда сўнгги йилларда бир қатор муҳим қадамларни қўйдилар.

Институт жамоаси, умуман, мустақиллик йилларида 6 миллион АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестиция олиб келишга муваффақ бўлди. 1996 йилда Германиядан қиймати 420 минг АҚШ долларига тенг бўлган энг замонавий жиҳозли полиграфия ўқув-кўргазма маркази олиб келиб, «Матбаа» кафедраси қошида ўрнатди.. Матбаачи талабалар дунёнинг энг янги босма дастгоҳлари билан танишиш ва уларда ишлаш имкониятига эга бўлдилар.

Шундай кейин АҚШдан қиймати 760 минг АҚШ долларилик пахта толаси сифатини аниқлайдиган тизимни олиш имконияти туғилди.

Кейинги йилларда СОРОС, Темпус-Тасис дастурлари, Саесна-Кайсоки фирмаси грантлари асосида қиймати 147 минг АҚШ долларига тенг бўлган компьютер ва лазер принтерлар, иплар сифатини баҳолайдиган асбоб-ускуналар, йигириш машинаси учун ип чўзиш ускунаси олинди.

Айниқса, Япония билан ҳамкорлик институтнинг халқаро ҳамкорлик алоқаларида энг юқори нуқта бўлди. Япония ҳукуматининг 4 миллион АҚШ доллари миқдоридаги беғараз ёрдам гранти институтнинг ўқув ва моддий-техника базасини энг замонавий талаблар даражасида такомиллаштиришда алоҳида аҳамият касб этди.

Институт жамоатчилиги ҳозирги кунда халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган янги лойиҳалар устида ишламоқда.

Васийлик кенгаши раҳбарлари ва аъзолари тармоқлар эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда институтга қабул режаларини белгилаш, тайёрланган кадрларни иш билан таъминлаш, контракт-тўлов асосида ўқишга тармоқнинг истиқболли ёшларини жўнатиш, корхона мутахассисларини малака оширишга юборишни барқарор режалаштириш каби ҳозирги бозор иқтисодиёти билан узвий боғлиқ масалаларни ҳал этишда ҳам кўмаклашмоқда. Институтни битириб чиқаётган ёш мутахассис кадрларни кимошди (аукцион) усулда ишга тақсимлаш тадбирини ташкил этиш ва ўтказишда мазкур кенгаш алоҳида роль ўйнамоқда.

Институт васийлари ўқув режалари, дастурлари ва ўқув-услубий қўлланмаларни, дарсликларни яратиш ва нашр этиш соҳасида ҳам яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар.

Васийлар институт профессор-ўқитувчилар жамоатчилигини, талабаларни ва бошқа ходимларни ижтимоий ҳимоялаш масаласида хайрли тадбирларни мунтазам уюштирмоқдалар. Масалан, енгил саноат корхоналарида тайёрланган кийим-кечакларни ўз таннархида институт жамоасига сотиш учун вақти-вақти билан савдо ташкил қилинмоқда. Байрамларда профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабаларга турли қимматбаҳо совғалар, кийим-кечаклар ҳадя қилинмоқда. Талабалар ишлаб чиқариш амалиётини ўтайдиган корхоналар рўйхати олдиндан шакллантирилиб, амалиёт пайтида уларнинг яшаш жойи, озиқ-овқат билан таъминлаш каби масалалар кўнгилдагидай ҳал этилмоқда.

Васийлик кенгаши аъзолари таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича давлат имтиҳони комиссияларининг раислари бўлмоқдалар.

Ниҳоят, Васийлар кенгашининг аъзолари ва институт раҳбарияти ўзаро ҳамкорликда бу олий таълим муассасасида бакалавр ва магистр мутахассис кадрлар тайёрлашнинг 2010 йилгача бўлган, илмий асосланган истиқбол режасини ҳам ишлаб чиқдиларки, бу институт ҳаёти ва фаолиятида муҳим воқеадир.

Хуллас, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти Васийлик ва кузатув кенгаши Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган улкан вазифаларни ҳал этишда, бозор иқтисодиёти шароитида институт фаоллигини оқилона, давр талабига мос равишда ташкил этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Қ.ЖУМАНИЁЗОВ,**
**Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти проректори.**



*Умринг давомида биринчи ўқитувчингни ёдда сақлайсан. Улар хотирангнинг энг гўзал нигоҳларида муҳрланади. Ўқитувчилик касби аслида мўъжиза. Жажжи болакайларнинг келажак орзуларининг амалга ошиши шу мўъжизанинг ижобатидир.*

Маорифимиз жонкуярлари

# МУРАББИЙ

Умунис аёлни кўпчилик танийди. Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасида, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида, қолаверса, Янгийўл шаҳрида ҳам ҳурмат билан тилга олишади, эъзозлашади. Бу Янгийўл технологик коллежининг ифтихори, толмас мураббий, ўқитувчиларни янгича услубда таълим-тарбияга даъват қилиб, унинг натижасини қаттиққўллик билан талаб қилувчи — бош мутахассис Моҳира Шермуҳамедовадир. У талабаларга одобномадан сабоқ беради. Дарс ўтаётган пайтда жарангдор, териб-териб айтилаётган жумлалар, унинг замиридаги олам-олам мазмун талабалар қулоғига «қуйилади». Бу дарс эмас, балки намойиш қилинаётган саҳна асарига ўхшайди. Унда бир қолипга тушган қуруқ баён йўқ.

Моҳира опа бош мутахассис, услубиётчи. Унинг хонасида коллеж миқёсидаги барча янгиликлар, таълим беришнинг янги-янги технологияларига оид маъруза матнлари услубий ва илмий қўлланмалар, энг янги чиққан бадиий адабиётдан тортиб, миллий дастур стандартлари талаблари асосида чоп этилган жамики адабиётлар ўрин олган. Буларнинг барчаси ана шу жонкуяр мунис аёлнинг тинмай қилган меҳнати ва фан ўқитувчиларини янгиликни излашга қилган даъватининг мевасидир. Коллежга ташриф буюрганлар аввал шу хонага — опа билан тиллашгани, ютуқларининг боисини билгани, ўргангани, янгиликлардан воқиф бўлгани кирадилар. У киши эса маънавий «бисотларни» тартиб билан, дона-дона қилиб тушунтириб бераверади.

— Буларнинг барчаси ўқитувчиларимизнинг изланишлари, машаққатли ишларининг натижаси, — дейди у. — Ҳозиргача бир қатор коллежлар, олий ўқув юртлари, Янгийўл шаҳар ва туман халқ таълими бўлими билан шартномалар имзолаганмиз. Маъруза матнларига, услубий қўлланмаларимизга талабгорлар кўп. Чунки бир жойда ўқув соҳасига янгилик татбиқ қилинаётганлигини эшитсам ёки бирор жойдан ўқиб қолсам ўқув жараёнига татбиқ қилмагунча ўзим ҳам тинчимайман, раҳбариятни ҳам тинчитмайман.

Тўғри, ҳозир мақтовлар даври эмас, дегувчилар ҳам топилади. Аммо, ишни кўнгилдагидек бажариб қўйган, Ватан, халқ тақдири билан ўз тақдирини бирдек англаб етган одамлар ҳақида нега ёзмас эканмиз? Бу каби мураббийлик касбига катта меҳр қўйган фидойи инсонлар ҳақида кўплаб ёзиш керак, иш тажрибалари билан ўртоқлашиш керак, деб ўйлаймиз.

1972 йили Ўзбекистон Миллий университети (ўшанда ТошДУ)нинг кимё факультетини имтиёзли диплом билан битириб, Янгийўл технологик коллежига ишга келганда бироз тортиниброқ турган, ушоққина қизчанинг шу даражага етиши осон кечмаган. У ҳам кимдандир ўрганди, вақти келганда танқид ҳам эшитди. Буларни Моҳира опа келажагимнинг тамал тошлари, деб қабул қилди ва ўз устида тинимсиз ишлади. Ҳозиргача учта кимё фанига оид қўлланмасини ёзиб, нашрдан чиқарди. Улар аллақачон қўлма-қўл бўлиб кетган. Яна ёзяпти, ёзишдан тўхтамоқчи эмас.

Моҳира опани Кадрлар тайёрлаш миллий дастури билан бирга туғилган, дейиш мумкин. У давлат дастурини ипидан игнасигача юрагидан ўтказиб, унинг тўла қувват билан «ҳосил» беражагига ишонади. Шу боис, коллеждаги доимий ҳаракатдаги малака ошириш курслари фаолиятига, ташкил қилинган «тажриба синов майдончаси»га раҳбарлик қилмоқда. Чунки булар шу толмас инсоннинг меҳнати оқибатидир.

Яна бир жиҳатни таъкидлаб ўтмоқ лозим, деб ўйлайман. Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар коллежларида замонавий таълим технологияларини лойиҳалаштириш ва амалга ошириш яхши натижа бермоқда. Очиғи, коллеж миқёсида «Танқидий фикрларни ривожлантириш асослари» усули ўқитувчилар томонидан кенг фойдаланилмоқда. 2002 йил апрель ойидан бошлаб таълимнинг фаол усулларини ўрганиш бўйича Ўзбекистон Очиқ жамият институти ва СОРОС жамғармалари ҳамкорлигида Янгийўл технологик коллежида услубий лаборатория ташкил этилди. Бунда вилоятнинг 20 дан ортиқ касб-ҳунар коллежларидан ўқитувчилар бир неча кун давомида сабоқ олдилар, маъруза тингладилар.

2000 йили Моҳира Шермуҳамедова беғараз меҳнати эвазига Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан «Фидойи» кўкрак нишони билан тақдирланган бўлса, 2002 йил «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими аълочиси» медали билан мукофотланди.

— Бу ишларнинг барчаси, — дейди Моҳира опа камтарлик билан, — менинг ташаббусимни раҳбарият кенг қўллаб-қувватлаганлигида, тегишли ёрдамни иккиланмай бериб турищида, деб биламан. Бу бутун жамоанинг иши, фақат ҳар бир инсон «мураббий» эканлигини чуқур ҳис қилса бас, ўз билганини талабаларга беғараз ўргатса, бизнинг бахтимиз, қувончимиз шу. Буни унутмаслик керак.

**Солижон БОЙМАТОВ.**



# Ер эгасига қайтарилди

Республикамизда қишлоқ хўжалигини тубдан ривожлантиришга оид кўплаб иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Шу асно мулкчилик муносабатларини такомиллаштиришга, хўжалик юритишнинг самарали шаклларини барқарорлаштиришга, тармоқда кўп укладли иқтисодиётни вужудга келтиришга, деҳқонларда ерга, мулкка эгалик ҳиссини уйғотишга ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни мустақил тасарруф этишни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун эса, биласиз, бозор муносабатларига мос, мулкчиликнинг барча шаклларини тенг ҳимоя қила оладиган ҳуқуқий замин яратилган. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, "Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида"ги, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги, "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги, "Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида"ги қонунлари ва бошқа қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилингани фикримизнинг ёрқин далилидир.

Фермер хўжаликларини тараққий топтиришга тааллуқли дадил қадамлар тадбиркор деҳқонларни янада самарали ишлашга ундамоқда. Ўз навбатида уларнинг ҳуқуқий билимлари ошиб бормоқда. Шу боис зарур пайтларда ўзларининг бузилган ҳақ-ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш имкониятидан самарали фойдаланмоқдалар. Масалан, Жалолқудуқ тумани ҳокимининг 1997 йил 10 ноябрдаги қарорига асосан "Ашурали ота" фермер хўжалигига 10 йил муддатга 2 гектар суғориладиган ер майдони ажратилади. Фермер ундан унумли фойдаланади. Зиммасидаги мажбуриятни бажаради. Аммо ҳоким 1999 йил 27 майда имзо чеккан қарор асосида тумандаги 63 та фермер хўжалиги қатори "Ашурали ота"нинг ҳам фаолияти қонунсиз равишда тўхтатилади ва ери олиб қўйилади. Бунга фермер хўжалиги раҳбари аттестациядан ўтмагани баҳона қилиб кўрсатилади.

Андижон вилояти адлия бошқармаси масалага холис ёндашади. "Ашурали ота"нинг қонуний манфаатини кўзлаб, вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритади. Суд ишни атрофлича кўриб чиқиб, кейинги қарорни ҳақиқий эмас, деб топади. Туман ҳокими бу хулосани инкор этолмайди. Суд томонидан ноқонуний деб эътироф этилган аввалги қарорини бекор қилиш тўғрисида янги қарор чиқаради.

Шу тариқа бир қарашда гўё фермер хўжалиги қайта тиклангандай бўлади. Аслида-чи? Бундай эмас. Олиб қўйилган экин майдони Амир Темур ширкат хўжалиги томонидан "Ашурали ота"га қайтарилмайди, ерни ижарага бериш юзасидан шартнома тузилмайди. Фермернинг ҳокимликка ва ширкат раҳбарига бу борадаги мурожаатлари зое кетади. Шундан сўнг у хўжалик судига даъво ариза ёзишга мажбур бўлади. Пировардида, унинг талаби асосли эканлиги тасдиқланди. Хўжалик суди фермер хўжалигининг ҳуқуқ ва манфаатларини қонун доирасида ҳимоя қилиб, ер майдонини қайтариб олиб берди. Ҳозирги пайтда фермер ўша жойда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш билан машғул.

Суд амалиётида бундай мисоллар кўплаб учрайди.

Энди ҳақли бир савол туғилади: фермер хўжаликларини ноқонуний равишда тугатиш, ерларини олиб қўйиш каби ҳаракатларга нега йўл қўйилаяпти?

Назаримизда, бунга аксарият ҳолларда туманлар, хўжаликлар ва бошқа мутасадди ташкилотлар раҳбарлари ҳамда масъул ходимларининг амалдаги қонунларни яхши билмасликлари, уларга риоя этмасликлари сабабчи бўлмоқда. Ҳолбуки, фермер хўжаликларини тугатиш асослари ва тартиблари "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг 32-, 33-моддаларида аниқ кўрсатилган. Фермер хўжалигини унинг раҳбари аттестациядан ўтмаганлиги учун туман ҳокимининг қарори билан тугатиш қонунга зид. Бундан ташқари, бозор муносабатларига ўтиш шароитида фермер хўжаликларининг фаолияти шартнома интизомини мустаҳкамлаш, тадбиркорлик субъектларининг шартномавий-ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган. Бас, шундай экан, деҳқон ёки фермер, энг аввало, шартнома муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг моҳияти ва мазмунини теран тушунишлари, уларга қатъий амал қилишлари лозим. Фақат ана шундагина улар ўзаро тузилаётган шартномалардан иқтисодий наф кўрадилар ва фаолиятларини муваффақиятли юрита оладилар.

**Иброҳим АЛИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судьяси.**



**— Эл осойишталигини сақлаш нафақат ҳуқуқ-тартибот органи ходимларининг, балки ҳар биримизнинг эзгу ишимиздир, — дейди милиция майори Абдуваҳоб Жумабоев.**

**Жалолқудуқ туманидаги Тошҳовуз маҳалласидаги милиция таянч пункти нозири, милиция майори Абдуваҳоб Жумабоев маҳалла ҳудудидаги мактаб ва ташкилотларда уюштирилган учрашувларда бу ҳақда алоҳида тўхталади. У ўз фаолияти давомида ёшлар тарбиясига эътибор беради. Улар билан суҳбатлашишдан, йўл-йўриқ ва маслаҳатлар беришдан эринмайди. Маҳалла посбонлари эса унинг доимий кўмакчиларидир.**

**СУРАТДА:** ***милиция майори А. Жумабоев ўсмирлар билан.***

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

Газетада босилмади, аммо...

# Суд ижрочисига ҳайфсан

2001 йил адоғида Хатирчи туманидаги «Охунжон» фермер хўжалиги бошлиғи Шерали Нормуродов ундан 5 тонна маккажўхори донини кўтарасига харид қилади. Аммо пулини тўламайди. Ҳисоб-китобни уч кун ичида тўғрилашга ваъда берадию, орадан бир неча ой ўтса-да, сўзи устидан чиқмайди.

Мол аччиғи — жон аччиғи! Рустам Мўминов қарздорнинг лафзсизлигини англаб етгач, фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилади. Суд ишни атрофлича ўрганиб чиқиб, унинг даъвосини қаноатлантиради. Бироқ бу ҳақдаги ҳал қилув қарори ижро этилмай, қоғозда қолиб кетади. Пировардида, Р.Мўминов таҳририятимизга хат йўллаб, пулини ундириб олишда кўмаклашишимизни сўрайди.

Ариза кўриб чиқиш ва зарур чора-тадбирлар белгилаш учун Адлия вазирлигига жўнатилганди. Шу муносабат билан вазирликнинг Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти директори ўринбосари Б.ЯНГИБОЕВдан расмий жавоб олдик. Унда шундай дейилади:

*«Аниқланишича, фуқаролик ишлари бўйича Навоий туманлараро судининг қарздор Ш.Нормуродовдан Р.Мўминов фойдасига 343 800 сўм ундиришга оид 2002 йил 18 мартдаги ҳал қилув қарорига асосан берилган ижро ҳужжати суд ижрочиларининг Хатирчи тумани бўлинмаси иш юритувига 2002 йил 30 майда келиб тушган. Суд ижрочиси томонидан шу куниёқ ижро иши юритишни қўзғатиш ҳақида қарор қабул қилиниб, нусхалари тарафларга юборилган. Қарздорнинг яшаш манзили бўйича мулкий ҳолати текширилиб, ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки мавжуд эмаслиги аниқланган. Бу ҳақда далолатнома тўлдирилган».*

*Бундан ташқари, ижро ҳужжатининг ижросини таъминлаш мақсадида тегишли ташкилотларга сўровномалар юборилиб, қарздор Ш.Нормуродовнинг номида уй-жой, пул маблағи, қимматли қоғозлар ҳамда автотранспорт воситаси йўқлиги тўғрисида маълумотномалар олинган.*

*Юқоридагиларга кўра, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 40-моддасига асосан, ижро ҳужжати 2002 йил 16 октябрда ундирувчига қайтарилган. Ундан тушган ариза асосида департаментнинг Навоий вилояти ҳудудий бўлимида ишчи гуруҳ ташкил қилиниб, қарздорнинг яшаш манзили қайта текширилганда, ҳақиқатан ҳам, унинг ундирувга қаратиш мумкин бўлган мол-мулки мавжуд эмаслиги тасдиқланган. Бу хусусда ҳам тегишли тартибда далолатнома тузилган.*

*Ўз навбатида мазкур аризани ҳал этиш жараёнида суд ижрочиси С.Саидаҳмедов ижро ҳужжати ижросини таъминлаш учун қонунда белгиланган барча чораларни кўрган. Лекин ижро ҳаракатларини белгиланган муддатларда амалга оширмасдан, масъулиятсизликка йўл қўйган. Шу боис унга нисбатан вилоят ҳудудий бўлими бошлиғининг 2003 йил 10 январдаги буйруғи билан ҳайфсан интизомий жазоси қўлланилди. Ариза муаллифига ижро ҳужжатини қайта ижрога тақдим этиш ҳуқуқи ёзма равишда тушунтирилиб, жавоб хати юборилди.*

Қингир иш — келтирар ташвиш

## Савдо пишдию, аммо...

Баъзи одамларнинг ноўрин ишларига қарата «қуюшқондан чиқиб кетибди», дея сифат берилади. Ана шундайлардан бири самарқандлик Парвиз Баратовдир. Бу йигит барча қатори тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб рўзғор тебратиб юрган кунларининг бирида нима бўлди-ю шайтон йўлдан урди. Самарқанд шаҳридаги Сиёб бозори ҳудудидаги ўзига тегишли бўлган дўконда савдо қилаётган пайтда бир фуқаро унга хонадони учун парда жудаям зарурлиги ҳақида «юрагини ёзди». Бу эса Парвизга жуда ёқиб тушди. Чунки унда бу маҳсулот сероб бўлиб, уни фақатгина АҚШ долларига сотишни кўнглига тугиб юрган эди. Ўз оёғи билан келган харидор эса унинг орзусини рўёбга чиқаришга ёрдам берди. Савдо пишдию, аммо бу унинг бошига кўп савдоларни солди.

Нима бўлди экан, дерсиз? Унда эшитинг. Дидига ёққан пардалик материалларни мижоз харид қилиш учун дўконга келди. Парвиз ҳар хил пардаларнинг ҳар метрини 1150 сўмдан ҳисоблаб, жами 700 АҚШ долларига сотди. Лекин Самарқанд вилоят прокуратураси ҳузуридаги Солиққа ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармасининг тезкор ходимлари савдонинг белига тепишди. Ундан далилий ашё сифатида олинган 700 АҚШ доллари суд томонидан давлат фойдасига мусодара этилиб, қилмишига яраша жазо тайинланди.

## Тумшуғидан илинди

Одатда ака укаларига тўғри йўл кўрсатади, билмаганини ўргатади. Ўз навбатида ука кўпроқ ўзидан катталарга қулоқ солади, ўрганади ва тарбия олади. Андижонлик Машъалбек эса укасига антиқа фаолиятни ўргатди. Ўргатди-ю, бу қуриб кетгур иш ака-уканинг бошига хўб кулфатларни солди.

Тезроқ бойиш илинжида юрган ака-укалар ўз ҳамёнларини пулларга тўлдириб, Андижон шаҳридаги марказий деҳқон бозорига отланишди. Бозор авжида. Ака-укалар астагина юриб, ҳар куни жойларини эгаллашди. Кўзлари эса олазарак. Уларнинг бу безовталиги Андижон вилоят прокуратураси ҳузуридаги Солиққа ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармасининг тезкор ходимлари эътиборини тортди. Оқибатда Машъал ва Валишер Жалиловлар ёнидаги 9 минг Қирғизистон сомини 243 минг сўмга сотаётган чоғда илинишди.

Ака-ука валютафурушларнинг ёнидан яна 860 Россия рубли, 4650 Қирғизистон соми, 1025 АҚШ доллари, 100 ЕВРО ва 985,8 минг сўм пул чиқди.

**Азамат ЭРГАШЕВ,**
**Рауф ЭШМИРЗАЕВ,**
**Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиққа ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаментининг масъул ходимлари.**

# Таввасига таянмаган фирибгар

*Жиззах Ички ишлар бошқармасининг йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати биносига кириб келган йигит ўзини Дилшод Қўлдошев деб таништирди. «Оила ва жамият» газетасида мухбир бўлиб ишлашини айтиб, шахсий гувоҳномасини кўрсатгач, бошлиқ қаердалигини сўради. Масъул ходим Ш. Миржалиловдан раҳбари йўқлигини эшитгач, унинг олдига тепа қисмига «Постда» учун махсус» деган эслатма битилган «Таъмагир посбонлар» сарлавҳали мақолани қўйди.*

*— Буни ўқиб чиққанингиздан сўнг имзо чекиб, тасдиқлаб берасиз, — деди жиддий оҳангда.*

Мақола «Республика «Болалар фонди» томонидан Навоий шаҳридаги «Меҳрибонлик уйи» учун ажратилган 265000 сўмлик кийим-кечакларни ўз эгаларига етказиш шу фонд тасарруфидаги «Оила ва жамият» газетаси ходимлари сифатида менга ва ҳамкасбим Гулноза Ҳасановаларга топширилди», деган жумлалар билан бошланганди. Бу муаллиф масъул ва расмий шахс эканлигига ишора эди. Кейин ушбу юк билан «Тошкент-Бухоро» автобусига ўтирган муаллифларнинг кўрган-кечирганлари баён этилганди. Чунончи, ЙПХ ходимлари ҳайдовчидан таъмагирлик йўли билан пул ундиргани видеотасвирга туширилиб, суҳбатлар диктофонга ёзиб олингани айтилган ва ундан «аниқ» парчалар келтирилганди.

Ш. Миржалилов мақолани ўқиб шошиб қолди. Масалани «катта»лар билан биргаликда ҳал этиш кераклигини эслатиб, мухбирни штаб бошлиғи А. Мавлоновга учраштирди. Штаб бошлиғи мақолага кўз югуртиргач, мухбирдан уни то далилларга аниқлик киритилмагунча таҳририятга бермай туришини илтимос қилди.

Дилшодга айнан шу керак экан, шекилли, бир оз юмшагандай бўлди. Гап орасида мақоланинг газетада босилиш-босилмаслигини ўзи ҳал этиши мумкинлигини ҳам қистириб ўтди. Ҳамсуҳбатлари «хизматдан қочмасликлари»ни билгач, дангалига 300 АҚШ доллари сўради. Савдолаша-савдолаша 150 минг сўмга рози бўлди.

Йўл-патруль хизмати ходимлари унинг ҳурматини жойига қўйиб Самарқандга кузатишди. Сўнгра «Таъмагир посбонлар»да келтирилган воқеа тафсилотларини батафсил ўрганишди. Пировардида саломга яраша алик тайёрлашди. Дилшод Қўлдошев эртаси куни Ш. Миржалиловнинг хонасида 150 минг сўмлик пора олаётган пайти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари томонидан жиноят устида ушланди.

Судда Дилшод Қўлдошевнинг ҳақиқий башараси намоён бўлди. Қаранг, у автобусга олиб чиққан юк «Меҳрибонлик уйи»га ажратилган совға эмас, аслида Каттақўрғонда тижорат билан шуғулланаётган хотинига аталган моллар экан. Табиийки, йўлдаги божхона маскани ва ЙПХ ходимлари уларни текширувдан ўтказишган. Дилшод Қўлдошев бундан норози бўлиб, хизмат гувоҳномасини кўрсатган. Каттақўрғонга етиб боргач, автобус давлат рақамини ва бир неча йўловчининг исм-шарифларини, амалда йўқ «диктофондаги ёзувлару видеотасмадаги тасвирлар»ни дастак қилиб, бўҳтондан иборат мақола тайёрлаган. Бундай уйдирма «асар» ҳеч бир таҳририятда қабул қилинмаслигини яхши билгани боис тўппа-тўғри вилоят ЙПХ идорасига йўл олган. Бор гап шу.

Энди табиий савол туғилади: «Оила ва жамият» газетаси таҳририяти томонидан бериладиган гувоҳнома Дилшоднинг қўлига қаердан тушиб қолди? Маълум бўлишича, у ҳақиқатан ҳам, 2001 йилнинг май ойидан июлгача газетанинг Каттақўрғон шаҳри, Навоий ва Бухоро вилоятлари бўйича мухбири вазифасида ишлаган. Кейинчалик бу борадаги меҳнат шартномаси бекор қилинган. Лекин гувоҳнома собиқ мухбирда қолаверган.

Аниқланишича, Дилшод Қўлдошев турли жиноятларга қўл ургани учун муқаддам Каттақўрғон шаҳар суди томонидан 2 йиллик шартли, Янгийўл туман суди томонидан 8 йиллик қамоқ жазосига ҳукм этилган экан. Бу сафар эса фирибгарлиги учун қонун олдида жавоб берди.

Зеро, саёқ юрган, таёқ ейиши аниқ!

**Неъмат БОБОЖОНОВ,**
**жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг раиси,**
**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «ОҚ АЖАЛ»НИ ОҚ СУТ ЕНГАДИ

***Қуйидаги воқеа сизу биз сингари бир ҳаводан нафас олиб, ҳамма қатори яхши ниятлар билан умргузаронлик қилаётган бир оиланинг кўргуликлари. Унда ота-онанинг Худодан тилаб-тилаб олган ёлғиз ўғлининг қилмишлари, ҳаёт йўлларидан адашгани, ўз ўрнида ноқобил фарзанднинг ҳам ўйламай-нетмай йўл қўйган хатоларидан тавба-тазарру қилиб, чеккан изтироблари акс этган. Воқеа бугунга келиб пушаймонлик кўчасида юрган фарзанд номидан баён этилади.***



Надомат

...Бугун яна уйимизда жанжал. Омбордаги буғдойнинг камайиб қолганлигини билиб қолган отам онамни тергамоқда. Мен уларни зимдан кузатаман, чунки бу жанжалнинг сабабчиси ўзимман-да.

— Ҳаммасига сен айбдорсан, буғдойни мана шу «наркоман»ингдан бошқа ҳеч ким ўғирламайди, — дерди отам асабий титраб.— Бунингда инсоф, виждон қолмаган.

— Нима қил дейсиз отаси? — зорланарди онам. — Ўлар бўлсам ўлиб бўлдим-ку...

Ҳеч эътибор бермаган эканманми, ёки улар шунчалик тез қариб қолишибдими, ҳайтовур эндигина 50 ёшдан ўтган отамнинг беллари букчайиб қолгандек, юзларида ажинлар кўпайгандек туюлаяпти. Онам...онам бечора ҳам мункиллаб қолибди. Аслида бундай бўлишига мен айбдорман. Уларнинг мендан шунчалик нафратланишини, бундан кўра ўлиб кетсам бунчалар қийналмасликларини яширмасдан, бир-бирларига очиқ-ойдин айтишлари юрак-бағримни эзиб юборарди. Шунда бир нафас хаёлимдан ким эдиму, кимга айланиб қолдим, деган савол айланар, бир пайтлар мен ҳам уларнинг суюкли фарзанди эканлигимни, келажакда баркамол инсон бўлиб етишишимга ишониб юришганларини эсладим...

Отам ўртаҳол киши бўлишига қарамай, мени пойтахтдаги хориж тилларини ўргатувчи махсус мактабга жойлаштирди. Ўшанда тўққиз ёшда эдим. Яхши эслайман, ўқишга жўнаётганимда отам мени ёнига чақириб, шундай деганди:

— Ўғлим, мана энди сенинг ёнингда на мен, на онанг бўламиз. Шунинг учун ҳозир айтадиган гапларимни ҳечам эсингдан чиқарма. Биринчи навбатда ёлғончиликка ўрганма, ўғирлик қилма, бировнинг ҳақига хиёнат қилма, эркаклик ғурурингнинг поймол бўлишига йўл қўйма.

Аммо бу гапларнинг мағзини чақишга ақлим етмасди...

Шундай қилиб, шаҳри азимда тўққизинчи синфгача ўқидим. Ўқиганда ҳам ҳаммадан аъло ўқишга интилдим. Турли тадбирларда ўзимни кўрсатишга ҳаракат қилдим. Ҳатто болалар газета-журналларида бир-иккита шеър ва ҳикояларимни чиқаришга муваффақ бўлдим. Ўшанда бундай муваффақиятлар бошимни айлантириб қўйганини кейинроқ англаб етдим, аммо унда кеч бўлган эди. Нима бўлганда ҳам синфдошларим орасида ўзига хос ўринга эга эдим, ўқитувчиларим ҳам менга айрича муносабатда бўлишар, менинг дунёқарашим, теран фикрлашим ҳақида бир-бирларига гапиришар, хуллас ҳаммаси кўнглимдагидан ҳам зиёда эди...

Эшикнинг ғийқиллаб очилиши хаёлимни бўлди. Қарасам ҳозиргина мендан нолиётган онам, ёнимга ўтириб, сочларимни силай-силай дедилар:

— Болажоним, болагинам, не кўйларга тушиб қолдинг-а?..

Онамнинг бунчалик маҳзун овозда гапиришларидан эзилиб кетдим. Билмадим, нечанчи бор айтишим экан:

— Аяжон, бошқа ҳечам чекмайман, — дея олдим, холос.

Мана шундай ваъдани неча бор берган бўлсам-да, сўзим устидан чиқишга ожизлик қилардим. Аммо ҳар гал ваъдани чин юракдан, қалбимдан чиқариб айтардим. Бироқ бу заҳри қотилнинг хумори тутганда изтиробу дардларим, ҳасратим, ич-ичдан эзилишларим ҳеч нарса бўлмай қоларди...

— Ўртоқларингга қара, болам, — давом этди онам. — Ҳаммаси уйли-жойли. Бугун нариги маҳалладаги тенгдошинг Рустам уйланаяпти, сени ҳатто тўйга ҳам айтмади. Бу кетишда одамлардан бутунлай ажраб қолмасанг, деб қўрқаман, болам.

Онамнинг бу сўзларидан сўнг яна Тошкентда ўқиб юрган кезларимни эсладим.

Биз синфдошлар билан тез-тез ўтиришлар уюштириб туришга келишиб олгандик. Ёшимиз ҳам ўн еттига қараб кетаяпти, дердик-да, бундай базмларимизга спиртли ичимликлар ҳам қўшадиган бўлдик. Синфдошларимнинг туғилган кунлари ва бошқа байрам тадбирлари менсиз ўтмасди. Бу пайтга келиб мен анчадан буён ёқтириб юрганим бир қизга севги изҳор этиб, унинг дил розини олишга ҳам улгургандим. Соф муҳаббатнинг тотли онларини ҳам ўшанда ҳис қилгандим.

Даврапарнинг тўри сеники, атрофинг тўла дўстлар, севган қизинг... бундан ортиқ яна нима керак менга?.. Аммо кейинчалик англадимки, мени оқ ажал қўлига тутқазган аслида мана шундай ўтиришу базмлар экан. Чунки, ўша пайтдаги ҳар қандай улфатчиликлар мени ўзига чорлар, бунинг оқибатида эса мен турли ҳамсуҳбату ошналарга дуч кела бошладим. Аниқки, бундай маишатбозликлар ўзимга хуш ёқарди. Дастлаб тенгдошларим даврасида, кейин эса ҳар учраган давра кишилари билан ўтириб «торта» бошладик. Бошда чекишга қўрқдим, кейин кўникдим, энди эса қутулолмай овораман. Мен шунчалик чекишга берилиб кетгандимки, илгари уйга ҳар ойда икки марта хат ёзадиган бўлсам, кейинчалик ойлаб қўлимга қоғоз олмай юраверардим. Сурункасига дарсларга келмаганим учун, ўқишдан ҳам ҳайдалдим, жондек дўстларимдан, сизсиз яшолмайман, бизни ўлимдан бошқа ҳеч қандай куч ажратолмайди, деган севгилим ҳам мендан юз ўгирди.

Ҳаммасидан хабар топган отам мени қишлоққа олиб келгач, ҳақиқий кашандага айланиб қолганимни ҳис қилдим. Ҳис қилдиму, қўрқиб кетдим. Йўқ, чекишимни қишлоқдошларим билиб қолишидан эмас, аксинча энди чекиш учун «дори»ни қаердан топаман, деб ваҳимага туша бошладим. Уйимдагилар мени дастлабки пайтларда қаттиқ назорат қилишган бўлса ҳам, барибир йўлини қилиб кўчага дайдиб кетадиган бўлдим. Кейинчалик менинг «юриш-туришим» қанақа эканлигини эшитиб, «хайриҳоҳ» ошналар топилиб қолди. Улар бир-икки марта менинг «тортиш иқтидоримни» синаб, «юқори» баҳо бердилар шекилли, ўзлари кўп таъкидлайдиган, мен «тушимда ҳам кўрмаган» «дори»лари бор эканлигини айтиб қолишди ва уни ҳам тортиб кўришга «муваффақ» бўлдим. Янги чекимлик топилганидан хурсанд бўлганим узоққа чўзилмади. Негаки, менинг тобора чекишга ўрганиб бораётганимни англаган бояги «дардкашларим» энди мендан пул талаб қила бошлашди. Пул берсам чекимлик берармиш. Аммо мен пулни қаердан топаман? Яхшиси, булар билан алоқани узишим керак...

Афсуски, менинг айтганим чекимликнинг «таъсири»дан устун келолмади. Шу боис ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам пул топишга аҳд қилдим. Ва энг қулай чораси, деб ўғирликни танладим. Энг биринчи «ов»ни эса ўз уйимиздан бошладим. Аввал билишмади, кейинроқ эса буғдойнинг тобора камайиб бораётганлигини сезиб қолишди ва ҳеч иккиланмай мендан кўришди. Менга маъқул келган тарафи шунда эдики, гарчи ота-онам ҳақиқий аҳволни билишса-да, ҳуқуқ-тартибот идораларига топширишни ўзларига эп кўришмасди. Аммо барибир «иситма» касалимни — менинг нашаванд эканлигимни барчага билдириб қўйди. Алал-оқибат ҳамма мендан юз ўгирди, оиламизнинг шаън-обрўсига путур етди...

Қаттиқ ўй-хаёлга берилганим боис, хонадан ойимнинг ҳам чиқиб кетганини сезмай қолибман. Яна аъзои-баданимда оғриқ тураяпти. Оёқ-қўлимнинг оғриғи чидаб бўлмас даражада. Гўёки, суякларим ичига миллионлаб игналар санчилгандек. Мана шу лаънатининг хумори дастидан нафасим қисилади, биров юрагимни чангаллаб силтагандек бўлаверади. Бу оғриқлар шунчалик зўрайиб кетадики, баъзан қаерим оғриётганини ҳам англолмай қоламан. Бу азобларнинг ҳаммасига фақатгина зиғирдайгина «героин» барҳам бера олади, холос...

Яна ўйлаб қоламан. Ҳозиргина бошимни силаб ўтирган онам мен дунёга келишимдан олдин тўққиз ой қорнида кўтариб юрганда, туғилганимдан сўнг илк бор эмизганида, қанча-қанча тунларни бедор ўтказганда нималарни ўйлади экан? У мени то улғайтиргунга қадар қанча азобу уқубатларни бошидан ўтказди экан? Менинг ҳозир хумордан чекаётган азобим онаизорим тортган андуҳларнинг мингдан бирига ҳам тенг келмаса керак. Оналар умрлари давомида фарзанди учун минг ўлиб-тирилиб жон койитар экан. Бу дунёдан ўтар чоғларида гарчи болалари дастидан ҳар қанча азоб чеккан бўлса ҳам розиман деркан. Демак, мен ҳам ҳеч қурса онаизоримнинг розилиги учун ўзимни қўлга олишим керак. Бу ҳаётда бошқа мақсадим бўлмаса-да, волидамнинг юзларида биргина табассум пайдо қилиш учун «оқ ажал» искaнжасини енгиб ўтаман. Гарчи ҳаётга «қайтишим» мушкул бўлса-да, ишонган дўстларим-у, қариндош-уруғларим мендан умидларини узишган бўлса-да, барига чек қўйишим керак. Қондошларимнинг, бир пайтлар мени яхши кўрган инсонларнинг ёнига қайтишим қанчалик оғир бўлмасин, меҳрибон онам учун, у киши берган оқ сутлар ҳаққи-ҳурмати учун юзимни ёруғ қиламан. Ахир, ҳар қанча азобли бўлсаям, дардимга даво топилар, нима дедингиз?.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Янги шеърлар

# ЯХШИЛИК



Абулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири.

Бу ёруғ дунёда даврини суриб,
Бировга яхшилик қилмаганлар бор,
Ва лекин бир умр яхшилик кўриб,
Унинг нималигин билмаганлар бор.

Оғир дард чеккандим мен ҳам бир замон,
Бегона элларда, дўстлардан йироқ.
Мадад берган эди улуғ бир инсон,
Мен унинг сиймосин унутай қандоқ.

Ярқираб турибди кўксингда юлдуз,
Осмондан тушмаган, у ҳам, ҳойнаҳой.
Кимдир сен ҳақингда айтди яхши сўз,
Шундан, кўкрагингда юлдуз топди жой.

Дейдилар, дунёнинг доим бири кам,
Яхшилик қилиш ҳам осонмас бироқ.
Менинг назаримда, яхшиликдан ҳам,
Унинг қадрин билмоқ минг бор яхшироқ.

## Ғалати мантиқ

Ажал келса не дийдалар
Ёшланади.
Хонадонда ғам ташвишлар
Бошланади.
Қабристоннинг ғалвасин-ку
Қўятуринг,
Зудлик билан кўчасини
Қайта қуринг.
Анов эски симёғочни
Бўяш керак.
Кесинг дарров, кўринмасин
Манов терак.
Ўйдим-чуқур йўлларни тез
Асфальт қилинг.
Жанозага ахир кимлар
Келар, билинг!..
Бундай чоғда ҳамма тотув,
Эш бўлади.
Бир кечада барча ишлар
Беш бўлади.
Воқеалар бирданига
Эврилсайди.
Шўрлик марҳум бир фурсатга
Тирилсайди.
Кўрар эди, маҳалласи
Нечоғ тўкис.
Кўчаси ҳам бинойидек,
Равон, текис.

Ҳолбуки, у шу йўллардан
Ўтганди-ку.
Қиш-қировда автобус ҳам
Кутганди-ку.
Босим ошиб, кўзлари ҳам
Тинган эди.
Яхда тойиб, оёғи ҳам
Синган эди.
Йўл тузалди, бироқ марҳум
Юрмай кетди.
Тиригида бу ҳурматни
Кўрмай кетди.
Гапларимдан бошқа маъно
Ахтармангиз.
Йўқни бору, борни йўқ ҳам
Деманг ҳаргиз.
Бундай ҳолга на йиғлаб, на
Кулиш керак.
Наҳот, бир иш битиш учун
Ўлиш керак.



## Оллоҳнинг ишлари

Оллоҳим гоҳида болага ўхшаш,
Шўхликни ёқтирар, ўйинқароқдир.
Тоғларга қарасанг – келгудай тўқнаш,
Аслида йироқдир, жуда йироқдир.

Гоҳида томоша қилай деб Ҳаллоқ,
Бировнинг юмушин бошқага бергай.
Чунончи, бир эркак бўяса тирноқ,
Хотини ҳовлида гувала тергай.

Ҳазили оғир ҳам бўлар гоҳи дам,
Шодликка эш қилиб юборар кулфат.
Агар бир шаҳд қилса Яратган Эгам,
Арслонга шоқолни айлагай улфат.

Кимнинг ўз уфқида иқболи кулса
Масхара бўлмайди ўша ягона.
Менга амалдорлик қанча ёт бўлса,
Сенга шоирлик ҳам шунча бегона.

Ёзувчи ижодхонасида

*Абдулла Қаҳҳор Эркин Воҳидов, Ўткир Ҳошимов, Шукур Холмирзаев, Учқун Назаров каби қаламкашлар ҳақида "Булар адабиётга тутаб эмас, ёниб кириб келдилар. Бу оловнинг тафти ҳали кўпнинг юрагини иситади..." деган эди. Адиб башоратини ҳаёт тасдиқлади.*

*Шароф Бошбеков тўғрисида Абдулла Қаҳҳор ҳеч нарса демаган. Негаки, ўша пайтда Шароф Бошбеков ҳали мактаб ўқувчиси эди. Агар ҳассос адиб бу қаламкашнинг асарлари билан яқиндан таниш бўлганда эди, у ҳақида илиқ-иссиқ гапларни аямаган бўларди. Драматургнинг халқимиз кўнглидан жой олган ажойиб асарлари ана шу мақтовларга сабаб бўларди.*

# Юрак тубида қоладиган тилла зарралар

**— Шароф ака, 52 ёш ҳар қандай ижодкор учун ортга бир қайрилиб қараладиган довон ҳисобланади. Орадан ўтган ана шу йиллар давомида қайси орзуларингиз ушалдию қайсилари ушалмади?**

— Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат Санъат институтини туғаллагач, Гулистонда вилоят театрида бир неча спектаклларда иштирок этганман. Режиссёрнинг қовоғига, қолаверса ўзимнинг кўнглимга синчиклаб разм солдим-да, бу касбдан косам оқармаслигини сездим. Кейин ўзимни сухандонликда синаб кўрмоқчи бўлдим. Буни қарангки, ўзимга ёққан бу ишга "ҳусни жамолим" тўғри келмади. Қисқа қилиб айтганда, ҳар икки касбнинг ҳам нонини узоқ ея олмадим.

**— Демак, драматургияга тасодифан келиб қолган экансиз-да?**

— Агар сизга кимдир "Мен ўттиз ёшимдан бошлаб асар ёза бошладим, аввал бир сатр қоғоз қораламаганман" дегудек бўлса бунга шубҳа билан қаранг. Суҳбатдошингиз ё ёлғон гапираётган ёки мақтанаётган бўлади. Ўқувчилик йилларимданоқ ҳаваскорлар тўгараги учун ул-бул ёзиб юрардим. Талабалик пайтимда эса ижод билан астойдил шуғулланар эдим.

**— Ўнлаб асарлар, чунончи "Темир хотин", "Тушов узган тулпорлар", "Эшик қоққан ким ўзи", "Чархпалак" каби асарларингиз саҳналаштирилиб, миллион-миллион томошабинларнинг юрагига йўл топди. Ана шу муваффақият сизнинг номингизни шуҳрат шоҳсупасига олиб чиқди, десак бўладими?**

— Шуҳрат деганлари ўта нисбий тушунча. Ўзини билган ижодкор кўча-кўйда уни танишлари, трамвайда жой беришлари ёки қандолат дўконида навбатсиз нарса харид қилиш учун ижод қилмайди. Қаламнинг орқасидан кун кўриш, рўзғор тебратиш анча мушкул савдо. Қаноат бўлмаса, ўзи ёзаётган нарсаларга юксак масъулият бўлмаса қаламкаш узоққа боролмайди. Машҳур футболчини олайлик. Ишқибозлар ёши ўтган футболчининг баъзи бир камчиликларини кечириши мумкин. Аммо мухлислар биз – ижодкорлардан ёшимизга ёш қўшилгани сайин фақат қаймоқ асарлар кутишади. Мана шу талабларнинг барчаси жамулжам бўлиб, биздан маълум бир маънодаги комилликни кутади.

**— Зўр ёки ёмон асар ўқиганингизда қандай ҳолга тушасиз?**

— Ёмон асар ўқиганимда шунақа нарса ёзмаганимга хурсанд бўламан. Истеъдод билан битилган асар ўқиганимда эса ичим қизийди. Бўш ва саёз нарса ёзган кишига ичим ачимайди. Демак, у бу соҳага тасодифан келиб қолган. Эҳтимол, у ажойиб новвот пишириши ёки ҳолвайтар тайёрлаши мумкин. Балки бу одамдан яхши деҳқон чиқар. Адабиётда, хусусан драматургияда таниш-билишчилик, папалаш, ёмон муаллифни рағбатлантириш ҳеч бир даврда яхшиликка олиб келмаган. Ажойиб нарса ёзган ҳамкасбларимга ҳам ҳавас, ҳам камгина ҳасад билан қарайман. Ким билсин, баъзилар бундай саволга дуч келганда, балки "ҳасад" сўзини ишлатмас. Балки улар тўғри ҳам қилишар. Аммо ижодда елкасига бахиллик, ичиқоралик тўнини ёпинмаган бундай муносабат барибир керак деб ўйлайман. Акс ҳолда кучли, умри узун, элга керак асарлар дунёга келмайди. Тош кўтарувчи полвонни олайлик. Ҳарифининг кучига қойил қолиб "Бўлди, сиз биздан зўр экансиз" дея майдондан чиқиб кетмайди-ку!

**— Агар ҳарифи кўтарган тош жуда оғир бўлса-чи?**

— Полвон асли қўрқоқ бўлмайди. Қўрқоқ одам майдонга чиқмайди. Менинг гапим аслида бир қиёсий гап. Ижод борки, асардан асарга чархланиб, ўз ҳамкасбидан ўзишга чоғланиб бориши керак. Унда қаноат – "мен қойил қилиб қўйдим, энди бундан буёғига фақат чапаклар остида яшайман" деган ўй пайдо бўлдими, худо ургани шу. У худди сув ичида ўсаётган ёнғоқдек кўп ўтмай қуриб қолади.

**— Адабиётни нима юксалтиради? Ва нима унинг оёғига тушов бўлади?**

— Муҳит, давр, ижодкор шахсига бўлган муносабат адабиётнинг тиргагидир. Мустақиллик ижодкор қўлидаги занжирни синдирди. Бу эркинлик кўпчиликни бироз шошириб ҳам қўйди. Юқори идоралардан, цензурадан юраги зада бўлган ҳамкасбларимиз баъзан у ёқ-бу ёққа аланглаб ҳам қолишди. Негаки, доимий зўравонлик, зуғум уларнинг онгида бирмунча пайт сақланиб қолиши табиий. Имоним комил, яқин келажакда адабиётнинг барча йўналишларида беназир асарлар дунёга келади. Аммо бугунги кунда ҳам баъзи бир иллатлар борки, улардан кўз юмиб бўлмайди. Масалан, тўрачилик. Бир мисол келтирай. "Чархпалак" саҳна юзини кўрганда вазирликдаги бир шахс лўли қиз – Марям образига эътироз билдирди. Унинг фикрича, бу ижобий қаҳрамон ўзбек бўлиши керак экан. Бу гапни эшитиб кулишни ҳам, куйишни ҳам билмайсан киши. Адабиётда миллатнинг қандай аҳамияти бор? Аммо ана шу тўрачилик туфайли асарнинг иккинчи қисми анча муддат тўхтаб қолди. Фақат нуфузли идоралар аралашуви билан қолган қисми суратга олинди. Мен бундай шахсларни яхши тушунаман. Улар тилларида бўлмаса ҳам дилларида "Биз ҳам чакана одам эмасмиз. Унча-бунча масалаларни ҳал қилиб ташлайверамиз" демоқчи бўладилар. Яхшиям, улар суянган толлар аллақачон кесилиб, тандирларда ёқиб юборилди.

**— Шароф Бошбеков энг яхши асарларини ёзиб улгурдими ёки улар ҳали олдиндами?**



— Сизнинг анъанавий саволингизга мен ҳам анъанавий жавоб айтай. Менинг энг яхши асарларим ҳали энди ёзилади, деб ўйламаган ёзувчи олдинда ёруғ шуъла кўрмаган қоронғуликдаги йўловчига ўхшайди. Ана шу шуълага интилмаган қаламкашдан нима ҳам кутиш мумкин?

**— Айни кунларда нималар ёзаяпсиз ва нималар ёзмоқчисиз?**

— Бармоғига сизловуқ чиққан одам қўлини қандай авайласа мен ҳам ёзмоқчи бўлган мавзуимни кўнглимда ана шундай авайлаб, пишитиб юраман. Ҳозир битта сценарий устида ишлаяпман. Қишлоқ клуби. Кино кетаяпти. У уруш ҳақида, русчани яхши билмайдиган бир одам кинони ўзбекчалаштиряпти. Томошабинлар хўрсинган кўйи кўзда ёш билан томоша қилаяпти. Таржима расво. Кинодаги воқеаларга умуман тўғри келмайди. Бироқ одамлар миқ этмайди. Улар русчани яхши билмаганликлари учунгина жим ўтиришгани йўқ. Гап ана шу ҳолат, ана шу сукунат ва унинг сабаблари ҳақида.

**— Сўнгги савол: ким ва нима учун ёзасиз?**

— Кўнгилда нимадир бўлмаса қўлнинг ёзгани билан ҳеч қаёққа бориб бўлмайди. Мен кўнглим учун, демак, ўзим учун ёзаман. Хотиним, болаларим ўқийди. Демак, улар учун ёзаман. Қўни-қўшним, маҳалла-кўйим ўқийди. Демак, мен улар учун ёзаяпман. Аслида одамларга ақл ўргатиш, йўл кўрсатиш учун нимадир қораламоқ бемаъни юмуш. Томошабин саҳна асари бўладими, кино асари бўладими, икки-уч соатлик намойиш пайтида ўз ташвишларини, дардларини унутсин. Ёзувчи билан, санъаткор билан бирга кулиб, бирга йиғласин. Зеро, ҳаммамиз бирга кулиб, бирга йиғласак ва энг муҳими, бирга ўйлай бошласак, демак қандайдир ҳодиса юз берган бўлади. Демак, кўнгил қатига нимадир сизиб кирган, нимадир чўккан бўлади. Юракка чўккан нарса дард бўладими, қувонч бўладими, кишини узоқ вақт ўйга толдирадиган ўй бўладими, буниси энди уларнинг ўзига ҳавола. Ана шу юрак тубида қоладиган тилла зарралар учун ижодкор бир умр тоғу тошда маъдан қидирган киши каби умр кечиради.

**Суҳбатдош:**
**"Халқ сўзи" мухбири**
**Алиқул ХОНИМҚУЛОВ.**



# «ҚАЙТМАС» ЯНА ҚАЙТАДИМИ?

Ҳажвчилик адабиётнинг ўта мураккаб жанри ҳисобланади. Шу боис бу жабҳада ижод қилувчилар, айниқса, унинг хусусиятларини тўғри англаб, холисона таҳлил қилиб бера оладиган ҳажвшунос олимлар ҳамма замонда ҳам жуда кам бўлган. Кулги мавзуидаги асарларда лоф, бўрттирма, ғайритабиий характерлар, одам ишонмайдиган ҳодисалар кенг ўрин олади. Баъзилар ундан «мантиқ қидириб», жиддий асарларга қўйиладиган талабни қўйишга уриниб, ҳажвчиларга ножоиз муносабатда бўлганларини кўп кузатганмиз. Бу соҳанинг мутахассиси бўлмаганларнинг ўринсиз таъналари Муқимий ва Завқийлар замонида ҳам, Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғуломлар даврида ҳам учраб келган.

Анвар Обиджон ҳажвчиларимизнинг кейинги авлоди вакилларидан. Унинг яқинда Ёшлар телеканали орқали намойиш этилган олти қисмли «Қайтмас» видеофильмини кўрар эканман, юқоридаги фикрлар хаёлимдан боз-боз ўтиб турди. Бугунги ўзгача ҳаётимиздаги янгича қиёфалар асосида яратилган бу комедия кулгидан жиддий ғоялар қидиришга уринувчи айрим кимсаларнинг ғашига тегмасмикин деган хавотирда эдим. Зеро, Анвар Обиджон заҳарханда усулдан бироз чекиниб, бу сценарийни энг оддий томошабинларга мослаб, енгилроқ ҳазил усулида ёзганлигидан хабардорман. Хайрият, кўпчилик бу фильмни чарчоғёзар кулгига ўч кишиларимизнинг кўзи билан кўриб, бугуннинг латифаси сифатида самимий қабул қилди. Айни пайтда, фильм кимларгадир маъқул келмаган бўлиши ҳам табиий. Қолаверса, ҳаммага бирдек манзур бўладиган нарсанинг ўзи йўқ дейишади.

Менга «Қайтмас»нинг энг маъқул тушган томони шунда бўлдики, фильмда ўзбекнинг чапанича хислатлари, тантилиги, ҳар қандай ҳолатда ҳам меҳр-оқибат туйғуси устун туриши кенг кўламда очиб берилган. Ҳар бир қаҳрамоннинг қиёфаси бетакрор. Асарнинг фалсафий юки қисмдан-қисмга оғирлашиб бораверади ва охири кўтаринки руҳда, эзгулик ғалабаси билан якунланади. Персонажларнинг тили ўта халқона эканлигини ҳам таъкидлаш зарур.



Бош қаҳрамон Қайтмас кўп қийинчиликларни кўриб улғайган. У ҳаётда ўзининг муқим ўрнини топиш учун қишлоқдан шаҳарга келади. Аммо, бир қарашда обод, тўкин-сочиндек кўринувчи шаҳарда тирикчилик қилиб кетиш осон эмаслигини аста-секин тушуна бошлайди. Олдида янгидан-янги қийинчиликлар пайдо бўлсада, табиатан тиришқоқ, қайсар ва уддабурон бу йигит оғирликларга эркакчасига бардош беради, бахтини излашда давом этади. Юзаки қарайдиган бўлсак, Қайтмас ҳам Шум боладек «безарар ёлғончи», Мюнхаузендек «латифагўй лофчи». Лекин, ички оламига чуқурроқ назар солсак, булар аслида турмуш қийинчиликлари боис пайдо бўлган ўткинчи феъл-атвор эканлигини сезамиз. Айниқса, бу ҳол унинг кампирга бўлган соф меҳрга тўла муносабатида, Полосонга бирор замонавий касбни эгаллаб қайтиш ва қишлоғини бутун дунёга танитиш орзусида яшашлигида, мастликда Толмасга ёлғон гапириб, бундан виждони қийналиб юришида, Олтинойга бўлган самимий севгисида яққол намоён бўлади.

Толмас образи ҳам анча жозибали. У аввалига фақат бойлик орттириш дардида яшовчи тижоратчига ўхшаб кўринса-да, кейинчалик унинг табиатидаги очиқ кўнгиллилик, инсоф-андишалилик, одамийлик, болаларча соддадиллик хислатларини кашф эта борамиз. Қишлоқи йигитга у шунчаки тамтамланган ота бўлиб қолмайди, унга устозлик қилади, феълидаги қўполлик ва тўпориликни тоқат билан кечиради, уни тўғри йўлга бошлашга, маълум бир касбга кўникма ҳосил қилдиришга, замона билан ҳамнафас одимлай оладиган мустақил шахс сифатида тарбиялашга уринади.

Фикримизча, асарнинг асосий ғояси ҳам шу мақсадга қаратилган. Бу жараённи кузатар эканмиз, Толмасдек имонга таяниб, иш кўрувчи яхши инсонлар ҳали йўлини топиб улгурмаган ёки қинғир кўчаларга кириб кетиш эҳтимоли бўлган айрим ёшларнинг чинакам халоскори, уларни жамиятимиз учун фойдали кишилар қилиб тарбияловчи мураббий эканлигини идроклаймиз. Шу каби давлатманд, сармоядор кимсалар қанча кўп бўлса, улар атрофдаги ёшларга ўз фарзандига қарагандек меҳр билан қарай олса, улардан саҳоватини аямаса, бу юрт янада тезроқ гуллаб-яшнаши муқаррарлигига ишона борамиз.

Бир вақтлар мен «Қайтмас»нинг сценарийсини ўқиб, ўз фикрларимни айтиб ўтгандим. Фильмни кўргач, сценарийнинг кучи анчагина йўқолганини сездим. Режиссёр ва операторлар катта меҳнат қилишгани кўриниб турса-да, баъзи ролларга актёрлар мос равишда танланмаган, айримлари асардаги тезкор воқеликларга қовушмайдиган даражада суст ҳаракат қилишган. Суҳбатлар орасида кераксиз сукутлар кўп. Томошабинларнинг ҳаяжонини янада оширишга хизмат қилувчи салбий қаҳрамонлар фаолиятига кенгроқ ўрин берилмагани фильмни сал юмшоқроқ қилиб қўйган.

Камчиликларни айтмасам ҳам бўлар эди. Лекин, «Қайтмас»нинг давоми яратилмоқда деган гаплар юрибди. Агар «Қайтмас» яна экранга қайтадиган бўлса, янги фильм юқоридаги каби қусурлардан холи бўлишини истар эдим. Хулоса қилиб айтганда, битта кинотеатрнинг ўзида икки ойлаб намойиш этилиш кучига эга бўлган, видеокассеталари чаққон сотилаётган, телеэкран қаршисига қанчадан-қанча оилаларни жамлай оладиган шундай ўзбекбоп фильмлар кўпаяверсин, хонадонларимиздан ҳеч қачон кулги аримасин.

**Турсунбой АДАШБОЕВ.**

«Ўзнефтниқайтаишлаш» акциядорлик компанияси жамоаси бўлим бошлиғи Ҳошимжон Шералиевга падари бузруквори

**ҲАКИМЖОН ҳожи ота**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти жамоаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати институт бўлими етакчиси Анвар Қурбоновга онаси

**ФАРОҒАТХОН ая**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент автомобиль йўллари институти жамоаси «Олий математика» кафедраси доценти Абдували Олимовга волидаи муҳтарамаси

**ПОПУКХОН ая**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

М. Қориёқубов номидаги Академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси, Ўзбек давлат филармониясининг ташкилотчиларидан бири, кекса санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти

**Гавҳар РАҲИМОВА**нинг

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Г. Прохоренко, Ш. Ризаев, А. Саидов (масъул котиб — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, О. Қаипбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 169. 35313 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид ТОҒАЕВ ва Акбар БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t]-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — С. Ҳайдаров.
Мусаҳҳиҳ — М. Сулаймонова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.05 1 2 3 4 5 6